

*Ушбу тўпламни отам Қўзибой Бўтаевнинг  
ёрқин хотирасига эҳтиром ила бахшида  
қиламан.*



*Фарида Афрўз*



*Кўзим  
ганим...*

*Шеърлар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат  
нашриёти  
1999

Ўз2  
А 89

Мухаррир РАУФ ПАРФИ ЎЗТУРК

Афрўз, Фарида.

Кўзим маним...: Шеърлар.— Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1999.—128 б.

Чиқиш маълумотида берилган: (Фарида Қўзибой қизи Бўтаева).

Фарида Афрўзнинг янги китоби жамиятимизнинг янгиланиб бораётган бир вақтига тўғри келди.

Шоира инсон умрининг барча мураккаблиги, сурури, фожеасини оташин шеърин мисраларда ифодалайди, бугунги дунё шеърини микёсларида қалам тебратди, шеърхон ўз орзу-тилакларини бу мажмуада кўра олади, идрок этади.

Ўз2

Б 4702620202-7 қатъий буюртма, 99

М352(04)-99

© Фарида Афрўз, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999 й.

ISBN 5-635-01725-6

## ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Кўлингиздаги ушбу тўпламимни тайёрлар эканман, муҳарририм:

Ўзингиз ҳақингизда бирор нарса ёзсангиз яхши бўларди-да,— деб қолдилар. Яхши фикр, рози бўлдим. Ўйладим, таржимаи ҳолдан осони борми, ёзаман, қўяман. Ахир бу шеър ёзиш эмас-ку. Қўлимга қалам олиб бундай қарасам, мушкул ишга қолибман. Энг огири ўзинг ҳақингда ёзиш экан.

Шундай қилиб кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверди. Мен эса ҳеч нарса ёзолмадим. Тўғри-да, нима деб ёзаман? Мен ўзи кимман? Бу фаний дунёда нима қилиб юрибман? Ким учун, нима учун яшаяпман? Ким эдим, ким бўлдим? Қаердан қаёққа кетаётибман? Аждодларим ким эди, ортимдан қолаётган авлодларим аҳволи не кечади?! Шунга ўхшаши минг турфа саволлар юрагимнинг аллақаерида туну кун чириллайверди.

Биз нодонлар вақт қанотида учар эканмиз уни бой бериш, ўз-ўзини қатл этиши билан баробар эканлигини унутиб қўямиз. Сарҳисоб қилишдан қочамиз, тўғрироғи, қўрқамиз. Гўё эрталаримиз худди ўзимизнинг чўнтагимиздаги чақамиздек. Сарҳисоб — умрнинг охири, йилнинг, ойнинг сўнги деб ўйлаймиз-да. Балки ҳамма хатоларимиз, йўқотишларимиз ўзаги шундандир. Ахир бир кунимиз, яъни бугунимиз умр эмасми? Ахир эртага бугунни топиб бўладими? Биттагина бугун иккита эртага арзимайдими?!

Хуллас, ичимга бир қуш кириб олган, жонимни чўқигани чўқиган.

- Эҳ, бугун яшамадинг-да, — дейди у менга.
- Нега? — дейман.
- Ҳеч кимга яхшилик қилмадинг-ку.
- Унда нега хотиржамман?
- Ёмонлик ҳам қилмадинг-да, — дейди.
- Эй, сен кимсан? — дейман.
- Менми, сенман! — дейди.
- Унда эшит.
- Хў-ўш.
- Дўстим бор, болам қобил, қўшим содиқ.
- Хўш, нима бўпти?
- Қорним тўқ, устим бут.
- Хўш, нима бўпти?
- Ўқидим — уқдим, дарахт бўлдим, меваларимни ейшиди, ёмғир бўлдим, кўкайлари кўкарди.
- Хўш, нима бўпти?
- Қарзим йўқ, элга элман, юртга қулман.
- Хўш, нима бўпти?
- Севдим, севилдим.
- Хўш, нима бўпти?
- Э, воҳ, кимсан ўзинг?! Нечун шунча тафтиши?

— Ахир, мен сенман-да, дўстим.

Кел, дедим, ўз-ўзимга, аждодларим: ота-боболарим, эналаримни санаб қўя қолай. Бу ерда ҳам узоққа бормадим. Афсуслар қилдим, надоматлар чекдим. Эй, гофил, бу ишларни эртироқ бошласанг бўлмасмиди? Отанг — қуёш онанг ойдек нур сочиб турган кезлари қаерда эдинг. Ўшандай беармон дамларда уларнинг бебаҳо хотираларини, ҳақиқат қўшиқларини тош шуурингга

муҳрлаб олсанг бўлмасмиди?! Мана бугун эса лолман, карахтман. Отамдан айрилганимга ўн олти йил, она жудолигига эса етти йил бўлди. Барча қариндош уругларимдан сўраб-суриштириб билганларим эндиликда менинг энг катта бойлигим, ноёб хазинамга айланиб қолди.

Отамнинг исми Қўзибой, отасининг исми Бўтабой, онаси Зулайҳо. Зулайҳо энамнинг отаси Мавлонқул, онаси Бибироҳила. Бўтабой отамнинг отаси Умрзоқбой, онаси Жаҳоной.

Онамнинг исми Тожинисо, отаси Боймирза, онаси Файзинисо. Файзинисо энамнинг отаси Соҳибназарҳожи, онаси Ўғилойҳожи. Бўлди, бошқа билмайман. Етти отасини санай олганлар омон бўлсинлар! Бизнинг аجدодларимизнинг боши бир-бирига туташади. Чунки онам ўз холаси Жаҳон энамга набира-келин бўлган эканлар.

Мен ана шу ота-боболарим давру даврон сурган, палак ёзган юрт — гўзал Фаргона водийсининг Учкўприк туманидаги Хонхўжа қишлоғида минг тўққиз юз эллик бешинчи йилнинг ўнинчи август жума тонғида дунёга келган эканман. Ўша йили Қўқон шаҳрига кўчиб кетган эканмиз. Қўқондаги 10 - ўрта мактабда таълим олдим. Бешинчи синфдан шеър ёза бошладим. Худо раҳмати адабиёт ўқитувчимиз Олияхон она жуда кучли адабиётчи, донишманд аёл эдилар. У киши менинг биринчи устозим. Мактабда, шаҳарда турли тадбирларга доим мени етаклардилар. Ўша вақтда шаҳар газетаси қошида “Ниҳол” деган адабий тўғарак фаол ишлай бошлади. Биз — сочлари жамалак қизлар – “шоирачалар” ҳам қат-

наша бошладик. Ҳозир ўйласам, мен учун энг тоза туйгулар мактаби бўлган экан. Қўқон адабий муҳити бизни доимо кузатиб, гоҳ эркалатиб, гоҳ танбеҳ бериб тўғри йўлга солар эди. Шунинг учун ҳозир ҳам ўшандай муҳитни қўмсаб яшайман. Биз “ниҳолчилар” қизгин баҳслар, мунозаралар, тортишувлар, топилмалар ичра катта бўлдик. Айниқса, Қўқон адабиёт музейидаги икки йиллик умрим, домлаларим Солижон ака, Аҳмаджон ака ўғитлари ҳаётим чироги, ижодим устуни бўлди. Улар туфайли бу кун Навоий, Ҳофизларни қийналмай ўқийман. Қўқон педагогика олийгоҳида ўқидим, газета ва журналларда ишладим, муаллималик қилдим, турмуш қурдим, ўгил-қизлик бўлдим. Аммо бир кун ҳам, бир дақиқа ҳам дўстим, халоскорим, вафодорим, дардим-дармоним, жаннатим — ШЕЪРдан айрилмадим. Аммо дилимда ҳали ёзилмаган, ёза олмаган изтиробларим — шеърларим борган сари девонаю абгор қилаётганини ҳис қилиб, РУҲ ва ВУЖУД ўртасида сарсон, саргардон, парчаланиб, парчинланиб яшамоқдаман.

Азизим, шеър ўқишга вақт топган инсоним. Мен ҳозир ҳадик ва ҳаяжон билан кўзингизга қараб турибман. Мен доим СИЗга интиламан, демак, кечадан кўра бугун баландроқ яшамоқ даркор.





*Lj's*

*Шоир – шамолда шам*

*кўтариб кетаётган*

*кимсадир.*



\* \* \*

• Бу кунлар ҳам ғанимат,  
Қорлар эриб битмоқда.  
Келса, баҳор омонат,  
Ўтса, умр ўтмоқда –  
Кел, эй, менинг менсизим.

Сабр – олма гуллади,  
Пишса тилинг ёради.  
Тош юракка киргунча  
Пешоналар қонади –  
Кел, эй, менинг менсизим.

Бу қандай ажиб савдо,  
Боши берқдир, йўлим йўқ.  
Йиғлай десам чиқар жон,  
Чорлай десам тилим йўқ –  
Кел, эй, менинг менсизим.

Ҳар тонг қайтиб гуллайди  
Чақин урган хотирим.  
Оти бору ўзи йўқ,  
Эртақдаги ботирим –  
Кел, эй, менинг менсизим.

Дунё асли чархпалак,  
Тонса, ўздан тонар-да.  
Сени бериб худойим,  
Олса, жоним олар-да,  
Кел, эй, менинг менсизим.

\* \* \*

Келсанг, келгин ёқи хайр -хўш,  
Томоғимда йиғлайди бир қуш.  
Чакмоқ бўлсанг осмонингдан туш,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Яёв десанг дунё кезаман,  
Даштларингни гулгун безарман.  
Қоки гулдай сенсиз тўзарман,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Етар ҳаддим тоққа, ирмоққа,  
Ўғлон бўлиб жангга кирмоққа,  
Фироқ инди сочдин тирноққа,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Кеч кузакнинг шамоли – фотих  
Камолидан заволи ортиқ.  
Осмон йироқ, ер эса қаттиқ,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Куйдирмажон – куйдирма, қирким,  
Умидлари уйдирма, қирким.  
На қилсанг ҳам суйдирма, қирким,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

\* \* \*

Сочларимни райҳон ўпди, билмадинг,  
Тилларимдан тўқдим новвот, билмадинг,  
Тўкил дедим, тўкилмадинг, тўлмадинг,  
Энди сенинг кўксинг узра тоғ қулар,  
Энди менинг кўксим узра доғ тўнар.

Шамоллардан тутиб келдим ўзимни,  
Ҳар ноқасдан қочдим, бурдим юзимни,  
Сочларимга зуннор қилдим тўзимни,  
Энди сенинг мендек армонинг бўлмас,  
Энди менинг сендек осмоним бўлмас.

Олтин олма ардоқладим боғимда,  
Алвастилар узиб кетди боғимдан,  
Ичса илон ўлар энди қонимдан,  
Энди сенинг боғларингда қуз йиғлар,  
Энди менинг қисматимда сўз йиғлар.

Сен осийсан, мен ношукур,

Иккимизни чақин урди.

Қаён кетдинг, манглайи шўр,

Бўрон тинди, бўрон тинди.

Энди қайтгин, мен ҳам қайтдим,

Астағфируллоҳ, алҳамдулиллоҳ.

Нотавонмиз, ғофил банда,

Хар кадамнинг ўзи гуноҳ.

Гуноҳ кўпдир сенда, менда,

Яратгандан сўраб паноҳ –

Энди қайтгин, мен ҳам қайтдим,

Астағфируллоҳ, алҳамдулиллоҳ.

Хор йиғладим, сен яйрадинг,

Мен бўзладим худога солиб,

Тил чўқитдим, сен сайрадинг,

Бугун армон, афғон ғолиб.

Энди қайтгин, мен ҳам қайтдим,

Астағфируллоҳ, алҳамдулиллоҳ.

Синов экан асли ҳаёт,

Ўзлинггни англа тезроқ.

Иншооллоҳ, бергай нажот,

Куфр кетма ўздин бироқ.

Энди қайтгин, мен ҳам қайтдим,

Астағфируллоҳ, алҳамдулиллоҳ.

Амри вожиб, икки дунё,

Куяр бўлдик, куяр бўлдик.

Оллоҳ, энди тоғ қил бизни,

Бир - бировни суяр бўлдик.

Энди қайтгин, мен ҳам қайтдим,

Астағфируллоҳ, алҳамдулиллоҳ.

## НАДОМАТ

Фаридам, фаридим, фариштам, дединг,

Кулдиму кетдим.

Мен сени ҳеч кимга алишмам, дединг,

Кулдиму кетдим.

Сенсиз дунёларга ярашмам, дединг,

Кулдиму кетдим.

Сен кимларга алмашдинг, кетдинг,

Ғавғоларда адашдинг, кетдинг,

Дунёларга ярашиб кетдинг,

Йиғладим, йиғладим, йиғладим...

Кулдингу кетдинг.

\* \* \*

Мен ўзи кимман,  
ташландик қудук,  
ёмғирларнинг эсидан чиққан,  
балиқлари ташна, жон берган,  
камишлари ўйиб найланган,  
ташландик қудук.

Сен ўзи кимсан,  
сувга чўккан тош,  
қояларнинг ёди ўчирган,  
зилзилада тўкилган дув - дув,  
чўққилардан мангу ҳайдалган,  
сувга чўккан тош.

Ишқ ўзи нима,  
эски тегирмон,  
дунёларнинг хотирида йўқ,  
бойўғлилар ин қурган мангу,  
шапалаклар яйраган макон,  
иккимизни дондай янчиган  
эски тегирмон.



\* \* \*

Сен юборган булутлар  
Ошпок ва момик,  
Кошкийди қора бўлса.

Сен юборган булутлар  
Юрагимга кирмоқда сузиб,  
Кошкийди ўтиб кетса.

Сен юборган булутлар  
Ёмғирсиз. Карахт...  
Кошкийди йиғлай олсам...

Рух шамоли танни қақшатди,  
Чақмоқ вужуд олов сачратди,  
Кеча ёққан ёмғир чарчатди,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўтган куним надомат, армон,  
Ором билмас саргардон бу жон,  
Эсиз, умр ўртада сарсон,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Азал жонга завол андеша,  
Бу дунёда ёлғиз ишқ пеша.  
Айрилмоққа ўчмиз ҳамеша,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўпиб турса сочларингни нур  
Бахт нелигин капалакдан сўр,  
Не бўлса ҳам тур, ўрнингдан тур,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ахир сени кўрганим тушмас,  
Хаёлингсиз ҳушларим ҳушмас,  
Осмон синиб заминга тушмас,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Бир хўрсинсам қайтиб келар сой,  
Айт, тилагинг айт, деб келар сой,  
Қайтиб жонни қаердан олай,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Тонгим балки армонларга соз,  
Ишқ қисмати иккимизга рост,  
Мен энтикиб чорладим, холос,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.



.

\* \* \*

**Кумуш, сени тушундим бугун,  
Кумуш, сенга нақадар оғир!  
Зайнаб, сени тушундим бугун,  
Зайнаб, сенга нақадар оғир!**

**Хўрлаганда тақдир беомон,  
Бир кун йиғлаб, бир кун кулдингиз.  
Отабекнинг хаёли билан  
Бир кун музлаб, бир кун тўлдингиз.**

**Кумуш, ҳолим сендан ёмонроқ,  
Заҳар тутиб Зайнабим келмас.  
Осон ўлмоқ, телбалик, бироқ,  
Мен севган ёр Отабек эмас.**

\* \* \*

Мени қўйиб юбор, Дўрмон боғлари,  
Уйимга борайин, уйим ҳам ёлғиз.  
Рўмолим тортмагин, олма шохлари,  
Сен билан қолардим, вақт қурғур тиғиз.

Жонимни умримга улашиб доғман,  
Ки фурсат ортидан етиб ҳам бўлмас.  
Боламга кўпригу инимга тоғман,  
Яримта кўнгилнинг хумдони тўлмас.

Қанийди сен билан қолсам бир умр,  
Шеър ёққан ёмғирли кечаларинг - ла,  
Тонг сахар уйқимни безовта қилиб,  
Чарсиллаб очилган ғунчаларинг - ла.

Мени қўйиб юбор, Дўрмон боғлари,  
Гарчи сен кўнгилсан, дилсан, юраксан.  
Бағри кенг боғим - а, кўнгли оқ боғим,  
Ҳар дарвиш жомиди тинган тилаксан.

Изимдан эргашар боғлар саргардон,  
Мен битта танти жон қулман омадга.  
Сени-ку жон деб-а олиб кетардим,  
Кейин нима дейман Саид Аҳмадга?

## ҚАНДАЙ ЯШАЙ

Қандай яшай, айтинг энди, эй яхшилар,  
Мен суйган ёр ялмоғизнинг сочин силар.  
Ўзи мени юрагимни қон йиғлатиб,  
Яна ўзи менга давру даврон тилар,  
Қандай яшай, айтинг энди, эй яхшилар?!

Тунда турна товушлари қандай тиник,  
Жон қушларим энди мени кўрмай ўтар.  
Қўнмай ўтар, қўнай деса шохим синик,  
Ишқим эди тандирдаги нондай тиник,  
Тунда турна товушлари қандай тиник.

Энди армон ёрингман, деб сочим силар,  
Бу савдодан юрак шўрлик тилка - тилка.  
Бу жон қурғур бундан ортиқ сабил бўлмас,  
Нега осмон қулаб тушмас, ер ютмайди,  
Нега дунё кулиб турар, нега жимман?!

Қандай яшай, айтинг энди, эй яхшилар?!

## ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛГУНИНГИЗЧА

*Маҳсуда опама*

Сиз кетасиз, кузатаман жим,  
Опа, сизнинг уйингиз бошқа.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Сирларимни айтаман тошга.

Эшик инграр, ёпилар ночор,  
Оҳ тортади зулфинг ҳам аста.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Кўнгил кўздир, юракдир хаста.

Мен қўрқаман, “дўстман”, деганлар  
Хилватларда кўзим ўяди.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Аждаҳолар ютиб қўяди.

Ҳар мушкулга топасиз жавоб  
Улоқтириб ғамим йироққа.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Айланаман яна сўроққа.

Жим йиғлайман, сизга билдирмай,  
Куним – сабр, тунларим – бардош.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Соч оқарар, айлаб қўяр фош.

**Ё, оллоҳим, бу қандай ришта,  
Ҳар толаси жондан, бағрдан.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Тўзим сўрай эгам – қодирдан.**

**Ўзим учун яшамоқ малол,  
Пешонамни ҳаққа тутаман.  
Яна қайтиб келгунингизча  
Фақат сиз деб яшаб тураман.**



\* \* \*

**Сендан ш а ф қ а т кутгандан кўра  
Қуриган дарахтга йиғлайман,  
Этагим олмага тўлдирар.**

**Сендан м е ҳ р кутгандан кўра  
Аждаҳога бориб бўзлайман,  
Бағримда боламдай ухлайди.**

**Сендан в а ф о кутгандан кўра  
Кўксимга ханжарлар экаман,  
Бехато кўкарар, гуллайди!**

\* \* \*

*Анна Ахматова хотирасига*

**Аннажон, бир ўзинг йиғлама,  
Кел, бунда дардкашинг, синглинг бор,  
Садпора жонингни тиглама,  
Олдинда тонглар бор, суманбар.**

**Чексиз хаёл, бепоён борлиқ,  
Қасдма - қасд яшайлик азобга.  
Нечун шоир қисмати хорлик,  
Ҳамиша рўбарў каззобга.**

**Юлдуз учса, борлиқ тинса гар,  
Сукунатнинг тиғи елкамда.  
Капалак қаноти синса гар,  
Юрагим йиқилар тиканга.**

**Юз йилдир овозинг тинглайман,  
Ҳолим йўқ, руҳим йўқ, қўлим йўқ.  
Ўйлайман, йиғлайман, инграйман,  
Билурман, шоирга ўлим йўқ.**

**Аннажон, сен айтгин, сен айтгин,  
Кулмайсан, ой каби тўлмайсан,  
Оҳ, сен менинг бағримга қайтгин,  
Сен менинг қалбимда ўлмайсан.**

\* \* \*

Мен ҳар ҳолда ўрганиб қолдим,  
Минг турли жафою қаҳрингга.  
Япроқдек сарғайдим, толдим,  
Баҳорни босганча бағримга.

Ҳар ҳолда ўлмоқ ҳам осонмас,  
Осонмас яшамоқ шу зайл.  
Қирқ битта сочимга илашиб  
Жонимни чўқийди бир майл.

Майли, қаноти қайрилган,  
Беосмон, бепарвоз, бенавоз.  
Ўлмайин жонидан айрилган,  
Хатто руҳ этолмас сарафроз.

Бир куни жонимга етаман,  
Ўргандим аламга, фироққа.  
Оҳ, мен сени ташлаб кетаман,  
Ўзимни ҳайдайман қаёққа.

\* \* \*

*Берк ўғлонга*

Эшигингни билмай очдим,  
Ичкарида кимлар бор?  
Не бўлса ҳам ўздан кечдим,  
Сенсиз кўзга дунё тор.

Ичкарида биров бордир,  
Балки сиғмасмиз учов.  
Мен кўзлаган тоғлар ғордир,  
Сен ўйлаган ўй пуч-ов.

Эшигингни билмай очдим,  
Нур қуйилди бошимдан.  
Не бўлса ҳам ҳаддан ошдим,  
Ошиб ўттиз ёшимдан.

Остонанга туриб бўлмас,  
Ташқарида йўқ ҳаёт.  
Ортга эса йўл йўқ энди,  
Ичкаридан йўқ нажот.

## ОНАНГ ЎЛМАСИН

Майли, бошдан тож-тахтинг кўчсин,  
Вужудингни титроқлар кучсин,  
Сен мағлуб бўл, ғанимлар ютсин,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Ташлаб кетсин дўстларинг бари,  
Майли, қолгин танҳо, сарсари,  
Хастами ё ношудми, қари,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Оға - ининг тоғдайин қалқон,  
Опаларинг мунис, меҳрибон,  
Жигарбандлар бир жону - жаҳон  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Нонинг бутдир, устинг ҳам бутун,  
Лек шукуҳсиз ўтаётган кун,  
Ҳар тун битта жонингда тугун,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Меҳри ёлғон, дийдалари тош,  
Ҳар нафасда ёнингда йўлдош,  
Дунё кезиб топмайсан дилдош,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Кўнгил очар баҳоналар мўл,  
Ер юзини босиб кетди гул,  
Қани кул - чи, кулиб кўр - чи, кул,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Юзга кирса юзларинг ширмон,  
Мисқолингда барака хирмон,  
Томирингни қирқолмас армон,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

Бир лаҳзада умр – нур сўнар,  
Ҳалқумингда ширин жон тўнар.  
Она десанг тилларинг қонар,  
Фақат онанг ёнингда бўлсин.

\* \* \*

Сизсиз яшаяпман минг йилдан буён,  
Минг йилки қўйнимда илонлар ётар.  
Минг йилки муҳаббат хокисор, гирён,  
Оҳ, десам бу жоним ҳалқумда тўнар.

Гарчи мен саботда минг йиллик чинор,  
Қонгалаш япроқлар беқўшиқ, маҳзун.  
Ўзинг айт, ё раббий, ўзинга аён,  
Беқўшиқ кунларнинг тунлари узун.

Сизсиз яшаяпман минг йилдан буён,  
Минг йилки илинжлар қонлар қусади.  
Сочларим супурги, кипригим тароқ,  
Ўтар йўлингизга чимлар босади.

Чимларим ипакдай эшилар, ҳайҳот,  
Изларингиз бунча қотил, беписанд.  
Аслида армон бор, минг йиллик қўшиқ,  
Аслида сен йўқсан, йўқсан, муҳаббат!

Сизсиз яшаяпман қўшиқлар айтиб...



*Ижод йўли*

*билгисиз карвон*

*йўлидир.*

*Унинг қай манзилга,*

*қай ҳолатда етиб олиши*

*сарбонга –*

*устози ХОЛИҚқа аён.*

## ЁЛҒИЗ АЁЛГА

Опа, тўшагингда илон бормиди,  
Чаёнлар бормиди, ухлолмадим ҳеч.  
Бир кунгина қолиб ўрнингда, эвоҳ,  
Афтода ҳолинг - ла йиғладим бу кеч.

Опа, хиёнатнинг бунча йўли кўп,  
Бунчалар чароғон бу жин кўчалар.  
Тақдир ҳам ялмоғиз кампирдаин гап,  
Кимни сийлайди - ю, кимдан ўч олар.

Опа, андишанинг оти кўрқоқдир,  
Кўрқмаслар юртини тарк этган имон.  
Имонсиз – ла яшаган жонинг қуроқдир,  
Ёлғиз яшамоқлик ундан - да, ёмон.

Опа, тўшагингда тошлар бормиди,  
Чағир экан бирам, жонимга ботди.  
Бир кунгина қолиб, эвоҳ, билмадим,  
Бу тош болишингда қандай тонг отди.



\* \* \*

Кетаман, мени зор кутганлар томон,  
Гул баргин тўшаган ўрикзорларга.  
Топширдим, ўрнимга йиғласин осмон,  
Тишимнинг оқига интизорларга,  
кетаман...

Теракнинг учида варракдай кўнгил,  
Ялпизлар жони - ла жонларим туташ.  
Ҳей, умрим, сен энди буғдойдай унгил,  
Қонга уриб кетди баҳорий оташ.

Мана, товонимда қиқирлар булоқ,  
Эшигим тагида кутар ариқча.  
Хаёллар капалак, қанотлари оқ,  
Олам – уйқуга тўйган айиқча.

Кетаман, жонимни дуррамга тугиб,  
Ташлаб пўстлоғимни такаббурларга.  
Мол - дунём, ҳуснимнинг ишқибозимас,  
Борим ҳам, йўғим ҳам барибирларга,  
кетаман...

\* \* \*

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим,  
Энди менга барибир келсанг, келмасанг,  
Қўлингдан келса гар осмонни ташла,  
Энди менга барибир севсанг, севмасанг!

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим,  
Хўп телба кўнгилга чўпчаклар айтдим.  
Алдашни ўргандим юракни бошлаб,  
Дарёга обориб суғормаи қайтдим.

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим,  
Тили бўлса айтсин шу тўрт деворни.  
Энди мен сира ҳам йиғламай қўйдим,  
Қўлимга олмайман қайтиб ишқ – торни.

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим,  
Ахир не орттирдим куйиб, куйиниб.  
Яшайман энди мен бир одам бўлиб,  
Устим бут, қорним тўк, шунга суюниб.

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим,  
Кўксимга бир муштлаб, охир унутдим.  
Энди сен кимсану недир муҳаббат,  
Бу ўт пешонамни қисматга тутдим.

Соғина, соғина, соғинмай қўйдим!

\* \* \*

Ана қояларда сармаст калхатлар  
Тўрғайлар қонидан ичар мусаллас.  
Жонга тегиб кетди бибурд карахтлар,  
Тириклик ҳар кунинг неъмат, муқаддас.

Нима қилса қилар мени худойим,  
Гулни севган агар гуноҳкор бўлса.  
Бу чаман юракни мен ҳам не қилай,  
Етмиш томиримда чечаклар кулса.

Қара, энтикади абри найсонлар,  
Найлар чалиб дилхун чорламоқдадир.  
Оҳ урсам ойнинг - да ранглари ўчар,  
Кўксимдан булутлар ўрламоқдадир.

Тўхта, менсиз кўклам наврўз ўлолмас,  
Давралар танида музлар музлайди.  
Ғижжак қилган билан юрак бўзлолмас,  
Сочларим торида кўшиқ гуллайди.

\* \* \*

Сизга яхши келин бўлдим,  
Яхши шоир бўлмадим.  
Дуо олдим, олқиш, бироқ  
Ярим кўнглим тўлмади.

Сизга яхши бека бўлдим,  
Яхши шоир бўлмадим.  
Нафасимдан гуллар унди,  
Ярим кўнглим тўлмади.

Сизга яхши она бўлдим,  
Яхши шоир бўлмадим.  
Жонни алла қилиб айтдим,  
Ярим кўнглим тўлмади.

Сизга яхши шоир бўлдим,  
Лек бўлмадим ўзимга.  
Ярим умр ўтди, бироқ  
Ярим кўнглим тўлмади,  
Ҳеч келмади тўзимга...

\* \* \*

Ёмғир менинг  
                    соғинч ёшларим,  
Тинай десам,  
                    чақнар чақин,  
Гўё осмон  
                    бўлар чил - парчин,  
Ва узилиб  
                    ерга тушади.  
Ёмғир менинг...  
                    Ёмғир сенинг...  
                    Тинай десак,  
                            Гулдирайди  
                                    момақалдирок,  
Иккимизнинг  
                    нақ  
                            тепамизда.

## К Е Т А М А Н

Майли, мен кетаман, қайтиш йўқ асло,  
Бу йўлда қайтганни ўлдирар ғурур.  
Сен силаган сочимни мен қирқиб ташлаб,  
Йиғламай яшайман, мана, қараб тур,  
Кўксимга бир муштлаб!

Майли, мен кетаман, қайтиш йўқ асло,  
Қайтса қайтаверсин сурбет фасллар.  
Ёлборма, шамоллар, ёмғир, йиғлама,  
Тиз чўкиб бўзлама, етим тилаклар,  
Жонимни тиғлама!

Майли, мен кетаман, қайтиш йўқ асло,  
Қайтар йўлларимга чимлар босилган.  
Хўрликнинг дарахти осмондай баланд,  
Шохларига саланглаб дорлар осилган,  
Маржонимга пайванд!

Майли, мен кетаман, қайтиш йўқ асло,  
Истаганинг борим сенга қолдириб.  
Осмонга ой каби михлаб кетаман,  
Ёстикларинг тушга тўлдириб,  
Кетсам - да, нетаман?!

\* \* \*

Войдод - ей, чарчадим, баридан тўйдим,  
Худо, сенга осон, бир йўлга бошла.  
Тандирда куйган кулчадай куйдим,  
Ҳаёт, бағрингга ол ё юлиб ташла.

Рухим, зилзилангдан ҳориди вужуд,  
Эй вужуд шўрлиг - ей, вужуд бемажол.  
Ҳаёл, ўзлигингни бир дамга унут,  
Сенга тушунаман, ў, амримаҳол.

Хўрлик, жонгинамда нима қасдинг бор,  
Қамчиларинг қонли, қамчингдир қотил.  
Ажал, иккимизга азал дунё тор,  
Қисмат, гар ўқ бўлсанг, мана мен, отил.

Ушоққина жисмимда минг бир Фарида,  
Бирини бирига ёв қилмиш тақдир.  
Бирининг қўлида дунё, бирида  
Хазонга айланган, кул бўлган вақтдир.

Бири юрган йўлни бири беркитар,  
Бири қилган ишни бири суймайди.  
Бири ташлаб кетар, бири интизор,  
Бирининг жонига бири куймайди.

**Войдод - ей, чарчадим, баридан тўйдим,  
Қисмат, гар ўқ бўлсанг, мана, нишонман,  
Фақат унутмагин, фақат унутма,  
Онаси ўлибам ўлмаган жонман.**



## ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ҲАЗРАТЛАРИГА

Эна, бу кун ситамнинг тилла қоши мендадир,  
Куракларим лик тўла, таъна тоши мендадир,  
Бир сиз эмас, мени ҳам адо қилди савдолар,  
Қирққа кирмай қовжираб, жон талоши мендадир.

Азал кайфу сафолар нодонлардан ортмаган,  
Эл ғами - ла иши йўқ, бедор тонги отмаган,  
Биз йиғласак ҳайронлар, ўзлигидан айролар  
Қайдан билар ҳолимиз, шўру ғавғо тотмаган.

Йиллар тўзар, ҳасратнинг тўни – туси эскирмас,  
Аёл кўздан ёш тинмас, йигит сўзи кескирмас,  
Бахтнинг юзлари сўлгин, ял-ял ёнар хиёнат,  
Хужрам тўла надомат, иқбол бирровга кирмас.

Эна, ўғлингиз Қашқар тупроғида кон ютди,  
Бу кун не-не ўғлонни Афғон – аждаҳо ютди,  
Шундан аёл яримжон, шундан ярим девона,  
Йигитлари бепушту қиз аллани унутди.

Сизга от солган ўша корчалонлар омондир,  
Ҳеч ким ҳолимни сўрмас, ҳамма ўша томондир.  
Ажаб дунё, ҳайронман, ҳамма яхши замон зўр,  
Мусичанинг қондоши битта шоир ёмондир?!

Эна, бу кун ситамнинг тилла қоши мендадир...

\* \* \*

Йиғласам гар тун қўйнида жим,  
Ўз ҳолимга қўйиб бер, ё раб.  
Бошим қўяй армон кўксига,  
Рўпарамда турмагил қараб.

Тўйиб-тўйиб йиғлаб олай мен,  
Менга тўйиб оқарсин тонглар.  
Майли, тўлсин ойнинг кўнгли ҳам,  
Ёшларимда сузар ўрдақлар.

Қиммат тушди сени севмоқлик,  
Сенинг билан ёлғизман, бирам...  
Сенинг билан мушкул кулмоқлик,  
Ҳаққим йўқдир йиғламоққа ҳам!



*Li's*

*Руҳни вужуддан ажратиб олиш  
шунчалар қийинки, вужудинг бирор  
шикаст еса руҳинг эзилади. Руҳинг  
қақшаса вужудга ҳам омонлик йўқ!  
ЖОН шўрлик эса ўртада сарсон.*

Қоч, бегим, сор келди,  
Еру осмон тор келди.  
Дунё асли кажрафтор,  
Кимдан кимдир зўр келди,  
қоч, бегим, сор келди.

Қочган қочиб кетадир,  
Қувган албат етадир,  
Дунё ўзи кажрафтор,  
Ўздан безган нетадир,  
қоч, бегим, сор келди.

Ариларда ёлғон йўк,  
Капалакда армон йўк,  
Дунё, дунё кажрафтор,  
Чумолича имкон йўк,  
қоч, бегим, сор келди.

Сор муроди кўз ўймоқ,  
Ширин жонингга тўймоқ,  
Дунё, э воҳ, кажрафтор,  
Бизга қисматдир куймоқ,  
қоч, бегим, сор келди.

Ерга сиғмаган жоннинг,  
Кўкда нетадир ҳолинг,  
Дунё, ситам кажрафтор,  
Шуми, тақдир – аъмолинг,  
қоч, бегим, сор келди.

Сочим учи қизғалдоқ,  
Қулоғимда ой балдоқ,  
Дунё эса кажрафтор,  
Бу ёғи бўлар қандоқ?!  
қоч, бегим, сор келди.

## МОҲЛАР ОЙИМГА ҲАСРАТ

Гарчи сиз хон ойим – латифи Қўқон,  
Гарчи мен ҳокима – тиллари бийрон,  
Иккимиз йиғлаймиз, халойиқ хайрон,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи бошимизда тож ила давлат,  
Элим ҳожатидан йўқ ўзга рағбат,  
Кўнгил қушчасини имлайди хилват,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи муҳаббатнинг умри узоқдир,  
Рақибларнинг иши фақат тузоқдир,  
Бизга ортган меҳр зарра, увокдир,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи теграмизда дўст-ёрон ҳам кўп,  
Шайтонга дарс берар қорчалон ҳам кўп.  
Булоқларинг ичиб биёбон ҳам кўп,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи ов, жанг қилмоқ йигитнинг иши,  
Амир Насруллолар тўнғизнинг тиши,  
Аёлга етади номарднинг кучи,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи бемалолдир йиғламоқ, кулмоқ,  
Ҳаққи бор ҳамманинг ҳар нега мутлоқ,  
Бизнинг қисматимиз ич-ичга ютмоқ,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи томирларда булбул сайрайди,  
Қарқуноқ даъвогар, элни аврайди,  
Шоир шоирасин қатлин қайрайди,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи ўртамизда икки юз йил бор,  
Ҳамон сотқин ғолиб, ҳамон дунё тор,  
Менинг ҳам бошимни кўзлайди хунхор,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

Гарчи дил қошона, остонаси йўқ,  
Ҳамма дунёпараст, бир ошноси йўқ,  
Бахтим ўпай десам пешонаси йўқ,  
Моҳлар ойим, бизни ким тушунарди.

## ТУҒИЛГАН КУНДА

Кутишлар кўп оғир, ёмондир ҳижрон,  
Ахир, айрилгани туғилмас инсон,  
Тиланг, тилагингиз қолмасин армон,  
Мардим, бугун туғилган кунда.

Осмон бўлинг, ой бўлиб тунай,  
Дарахт бўлинг, қуш бўлиб қўнай,  
Тупроқ бўлинг, сой бўлиб синггай,  
Мардим, бугун туғилган кунда.

Шамол бўлинг, сочларим-ла тўсайин,  
Ёмғир бўлинг, ховучларим тутайин,  
Дарё бўлинг, қайтишингиз кутайин,  
Мардим, бугун туғилган кунда.

Тиланг, тилагингиз қолмасин армон...

\* \* \*

Кузак демай, қаҳратон демай,  
Дайди шамол елаверади.  
Сочдаги оқ билан иши йўк  
Душанбалар келаверади.

Сен бошлайсан дилкушо юмуш,  
Кимдир раҳна солаверади.  
Қарабсанки шанба! Қолгани  
Душанбага қолаверади.

Сешанбада кўзланган ишдан  
Жумада ҳам бўлмассан халос,  
Бари қолди! Фақат ва фақат  
Душанбада омон бўлсак бас.

Эрта туриб сўрайсан омад,  
Чоршанбадан – муродбахш кун.  
Зора битса, йўк, чала қолар,  
Душанбасиз бўлмайди якун.

Ўтганларнинг руҳи мададкор,  
Тилаганинг тила, пайшанба.  
Ярим умр, яримта кўнгил,  
Ҳаёт эса душанба-шанба.

Югурасан-еласан ҳориб,  
Ажинларинг, оҳ, тарам-тарам,  
Якшанбада бир кун султонсан,  
Душанбага қулдирсан, қарам.



\* \* \*

Бизни соғинганлар омон бўлсинлар,  
Бизни унутганини унутмоқ керак.  
Майли, феъллимизни ёмон десинлар,  
Бизни кутмаганини кутмоқ не керак?

Бизни соғинганга тилаймиз тўзим,  
Ва бир тонг елармиз шаббода бўлиб.  
Томоғимда бўзим, тирноқда бўзим,  
Дардлар ҳам ситилгай бир куртак бўлиб.

Бизни унутганини унутдик биз ҳам,  
Гарчи хоҳласак-да, келмас хушларга.  
Ҳатто кўз гавҳари бўлолмас малҳам,  
Етти ухласак-да кирмас тушларга.

Унутмоқ матонат, унутмоқ азоб,  
Хотира умидлар жангида талаш.  
Фақат бизга бахтдир, бизга изтироб,  
Бизга ичикканга ичикиб яшаш.

\* \* \*

Ҳар саҳар уйингдан бош олиб чиқиб,  
ўйлайсан, шу бугун бир нарса бўлар.  
Шу бугун албатта кўксимни йиқиб,  
бағримда шарқираб дарёлар оқар.

Ўйлайсан: шу дунё ёлғиз сеники,  
ёлғиз ўзингдирсан ҳокиму мутлақ.  
Бир кунлик капалак рақси сеники,  
бу шўрлик коинот менга-да илҳақ.

Ййрайсан, учасан фаришта мисол,  
ғариб ҳасадгўйлар қилолмас таъқиб.  
Ҳар қандай иғвою фисқу фужур лол,  
тополмас кундуз ҳам чироғин ёқиб.

Қийнамас минг турли ночор тасаввур,  
Озодсан турмушнинг оғир юкидан.  
Ҳамёнинг кесолмас рўзғор – кисобур,  
Жон қушинг жон бермас тухмат ўқидан.

Озодсан, қокигул бағрига ботиб,  
Секин шивирлайсан қулоқларига.  
Азонлар айтасан, аста уйғотиб,  
Кар, сўқир қисматнинг булоқларига.

Ҳар саҳар уйингдан бош олиб чиқиб,  
ўйлайсан, шу бугун айтганим бўлар.

**Ох, бироқ оқшомда шоп мўйлов миршаб  
ҳибсга олару, зиндонга солар.**

**Тутиб келар сени хаёлларингдан,  
кўнглинг кўчасида теролмайсан тош.  
Жаллод – тун қопини бошга кийгизар,  
жимгина қўясан кундага сен бош.**

\* \* \*

Туни билан эртак айтди куз,  
Туни била тинглади ёмғир.  
Тун туғади, тугамади сўз,  
Хасратни қўй, тонг отди ахир.

Ахир қара, олмазор боғлар  
Солланади, нақадар гўзал,  
Ювилади юракдан доғлар,  
Ошуфталик – тақдири азал.

Шамоллар ҳам оҳиста тинар,  
Сархуш барглар... Қамашади кўз,  
Ором олар, аста хўрсинар,  
Жўжасини санаб бўлган куз.

Кеч куз. Дўрмон уйқуга инган,  
Жон қўшади жонингга ҳурлик,  
Томиримга тоза қон қуйган  
Овозингдан ўргилай, жимлик.

## ‘СОЧЛАРИНГИЗ

Сиз ўшасиз, ўша - ўша нигоҳларингиз,  
Ёндирмоқни кўзлар ҳамон чўғли қароқлар.  
Йиллар ўтди, лекин бир бор йўқламадингиз,  
Хаёлларим хотирамдан сизни сўроқлар.

Шукур, мана кўришмоқ ҳам бўларкан насиб,  
Сочингизга эрта қиров қўнибди, ажаб.  
Менга оғир, сизга ҳам ҳеч бўлмабди осон,  
Демак, ҳамон ўша дард-ла юрибсиз яшаб.

Сочларингиз – мени қўмсаб оттирган тонглар,  
Сочларингиз – мен айлаган тавофларимдир.  
Сочларингиз – ёзолмаган мактубларингиз,  
Сочларингиз – мен битмаган жавобларимдир!

\* \* \*

Чарчадим яшириб оғриқларимни,  
Ичимга сиғмайди энди бу дарахт.  
Кўпориб бўлмайди томирларини,  
Жон эса безабон, жон савил, карахт.

Чарчадим, ўзим-ла тиллашавериб,  
Тўзимлар тиладим ҳуда-бехуда.  
Тош келса кемирдим, дарё симириб,  
Қаноат, сендан ҳам зерикдим жуда.

Чарчадим, сиполик султонлигингдан,  
Қайдасан, кишанбон, қўлларим бўшат.  
Сочларим гуллади зиндонларингда  
Ёлғизлик – жаҳаннам, ёлғизлик – даҳшат.

Чарчадим, ситамлар бағримни тилди,  
На арзир муҳаббат куйганларимга.  
На биров ишонди, на биров билди,  
Тушларим висолга йўйганларимга.

Чарчадим, яшашни билмадим балки,  
Хижрон, сенинг кундан кунларинг кўркам,  
На ойга ёлчидим ва на қуёшга,  
На сўлдим куз билан, на келди кўклам.



*Шоир – ўликлар ичинда тирик,  
тириклар ичинда унутдир.*

‘ \* \* \*

Яхшики, хаёллар хибсада эмас,  
Яхшики, озоддир, хурдир, фаввора.  
Яхшики, тушлар ҳам сеники эмас,  
Ҳар кеча ўзи - ла ўзи оввора.

Яхшики, хаёл бор – охирги нажот,  
Капалакдай қочасан пилла уйингдан.  
Қақшаган ҳисларга айлайсан имдод,  
Дунё ҳам сел бўлгай сохир куйингдан.

Яхшики, хаёл бор – ёлғиз паноҳинг,  
Жимгина яшайсан руҳинг аллалаб.  
Бир томчи кўз ёшсиз чинқирар оҳинг,  
Жаннату дўзахлар ичра оралаб.



\* \* \*

Исламанг, уйимдан топа олмайсиз,  
Беҳилар саргардон гулаган палла.  
Бу кун ўзингиздан тона олмайсиз,  
Капалак шабнамга айтганда алла.

Исламанг уйимдан, ҳаммаси бекор,  
Яшамоқ ўзи не нурсиз, навосиз.  
Қўлингдан келмас - ку туғилмоқ такрор,  
Ўлиб ҳам бўлмайди азми худосиз.

Ахтариб ўтирманг, барибир йўқман,  
Қуртаклар қўйнида дил сармаст бу тун.  
Умримда илк бора камонман, ўқман,  
Қирқ жоним ўзим - ла хотиржам, бутун.

Исламанг, талотўп базмлар аро  
Зада дил кимсасиз қирларда яйрар.  
Унинг ҳеч ким билан ҳуши йўқ асло,  
Ҳар тола сочлари қумридай сайрар.

Бу кўнгил иши йўқ фироқинг билан,  
Кўзингга термулмас бугундан бошлаб.  
Энди сен уйма - уй гадодек тилан,  
Олдингдан оққан сув кетмоқда ташлаб.

Исламанг, кетаман, чарчадим, тўйдим,  
Дардларим даштларга дондай сочгани.  
Баҳор баҳона-ю, бир қудрат тўйдим,  
Ўзимдан ўзимни олиб қочгани.

\* \* \*

**Сени хаёлимдан яширолмайман,  
Узиб отолмайман сени суғуриб.  
Сен - ла кетолмайман,  
Шеърлар битолмайман,  
Заққумлар ютиб.**

**Сени ҳаётимдан яширолмайман,  
Сувга отолмайман, ўтга ёқолмайман.  
Ташлаб кетолмайман,  
Шеърлар битолмайман,  
Заққумлар ютиб.**

**Сени қисматимдан яширолмайман,  
Тошлар отолмайман тақдирни қарғаб.  
Ўйнаб кулолмайман,  
Йиғлаб ўлолмайман,  
Шеърлар битолмайман,  
Заққумлар ютиб!**

\* \* \*

Замин каби айлан, бошим,  
Умрим каби ўртан, юрак.  
Не бўлса ҳам тур, бардошим,  
Не бўлса ҳам яшаш керак.

Замин каби айлан, бошим,  
Айлан, жоним балогардон.  
Юр, кетамиз, тезроқ шайлан,  
Хайрат кутар зор, саргардон.

Доғда қолсин ситамгарлар,  
Уйғотайлик захроларни.  
Лайлижоним, юр ўртоқжон,  
Гуллатайлик сахроларни.

Журъат, шайлан, шайлан, вужуд,  
Мен омонман, омон олам.  
Йиғиларим, мени унут,  
Кўз ёшларим тамом, онам.

Айлан хаёл, чирпирак бўл,  
Ҳали умид терак - терак.  
Армонларки толдирмади,  
Энди бахтдан ўлсам керак.

## ЭРТАНГИ КУНИМГА

Э воҳ, эртам, бунча гўзалсан,  
Бунчалар жодугар, бунча бокира,  
Бунчалар ширинсан, кўнгилсан, дилсан,  
Ишқингда бу лодон умрим овора.

Сени деб яшайди хайратлар омон,  
Умидлар ўзини дорга осмаслар.  
Илинжлар туш кўрмас ёмондан-ёмон,  
Сен борсан, соғинчлар ўзин ёқмаслар.

Сен борки, суюкли сабр, каноат,  
Бошингни ёролмас таъналар тоши.  
Сен борки, қаҳр хам айлар шафоат,  
Халолдир имконнинг лукмаю оши.

Беармон муҳаббат юлдуздай порлар,  
Нигоҳим етару кафтларим етмас,  
Сенингсиз яшасам юрагим портлар,  
Оҳ, эртам, бағримга босмасам бўлмас.

Бунчалар чўзилдинг, бетайин куним,  
Эҳ, сени қанчалар ёмон кўраман.  
Тезроқ кел, келақол эртанги куним,  
Мен фақат худодан сени сўрайман.

\* \* \*

Тулпор минган чавандоз,  
Келбатларинг, бай - бай, соз,  
Изинг тўла ишқибоз,  
Қадамингни ўйлаб бос –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.

Омад кетса қўлингдан,  
Илон чиқар қўйнингдан,  
Қайтса қайтди шайтонлар,  
Сен қайтмадинг йўлингдан –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.

Нафснинг туби асли жар,  
Бу жар фақат қон ичар,  
Эвоҳ, уни шароб деб  
Кимлар сенга жом тутар –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.

Жабр қилсанг дилдошга,  
Заҳар тушар ризқ, ошга,  
Армон олса ёқангдан  
Пешонангни ур тошга –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.

Сотқин чиқса ҳамдамлар,  
Алдаб кетса санамлар,  
Униб чиқар кўксингдан

**Куртак отган аламлар –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.**

**Бошинг етса осмонга,  
Салом қилгин кетмонга,  
Сени малак туққанмас,  
Кўйлак оббер онанга –  
Гар йигитнинг гулисан,  
Кўргиликнинг қулисан.**

## ЛАЙЛАК МОЗОР

*Раҳмонали Мирзаев чизган сувератга ҳайратлари*

Кўп қаватли чордевор аро,  
Ғафлат ичра яшаб ёзин, қиш.  
Ўттиз тўққиз баҳор ухладим,  
Аллалади шуҳрату олқиш.

Бирдан бу ҳол олди ҳушимни,  
Бу не қудрат, бу не синоат?!  
Бир мазорда минг лайлак кўрдим,  
Бир мазорга шунча шафоат?

Бу не ҳайрат, бу не хосият,  
Бунда қишлар нечук лайлаклар?  
Оҳ, бу сукут чинқириғида,  
Тик ўсолмас ҳатто тераклар.

Бу не қудрат, бу не мўъжиза,  
Улар кимлар, балки руҳлардир.  
Зил вужуддан қутулиб, яйраб,  
Озод учиб юрган ҳурлардир?

Оппоқ қорли бутазор узра,  
Чарх урганда минг - минг шижоат.  
Ҳайрат қучди танамни буткул,  
Бу не ҳикмат, бу не синоат?!

Ва англадим улар фаришта,  
Қисмат ипин ечолмаганлар.  
Ширин жондан айрилсалар ҳам,  
Ватанидан кечолмаганлар.

## **ИЛИНЖ**

**Бугун ҳам чироғинг ёнмади,  
Бугун ҳам юрагим қоронғу.  
Бугун ҳам ишқ ўздан тонмади,  
Қон йиғлар, қон йиғлар бир туйғу.**

**Бугун ҳам яшадим беҳуда,  
Шу қурғур омадга ишониб.  
Жодугар илинжлар домида  
Гоҳ йиғлаб, гоҳида юпаниб.**

**Бугун ҳам кафтларим хиносиз,  
Бугун ҳам қошларим беўсма.  
Бу қарахт илинжлар худосиз,  
Ханжарсоз муҳаббат, йўл тўсма!**





---

*Одамзод нега шундай яралган?  
Нега шунчалар ташна?!  
Хайҳот, ҳатто ўз қонини ўзи  
ичади-я!*

\* \* \*

Турон замин момоннинг маҳри,  
Тупроғингда ҳамон тонг захри,  
Бардошларнинг тошди-ку наҳри,  
Мудроқ элим, уйғон, кўзинг оч,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиклолинг бошингга гултож.

Тонглар отар, биз - ла иши йўк,  
Умр ўтар, вақтнинг ҳуши йўк,  
Бебаҳорнинг ёзи, қиши йўк,  
Тупроқ элим, гулла, ёй кулоч,  
Ватан сенинг меҳрингга гултож,  
Истиклолинг бошингга гултож.

Сарҳадларга сиғмас имконинг,  
Тулпор минсанг кишнайди жонинг,  
Омон қўймас Темурий қонинг,  
Тезроқ, элим, илдам қадам бос,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиклолинг бошингга гултож.

Ахир шоннинг эрта-кечи йўк,  
Хоинкорнинг дўсти хеши йўк,  
Мудроқ жоннинг тонги кечи йўк,  
Тур, боқ элим, яшна, топ ривож,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиклолинг бошингга гултож.

Қизил тану оқлар диллашди,  
Якка - якка тоқлар сирлашди,  
Тарқоқ элим, жам бўл, бағринг оч,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиқлолинг бошингга гултож.

Ўзингга бек, шоҳ, амир ҳам сен,  
Ўинг иймон, чин сабр ҳам сен,  
Иншооллоҳ, юрт кабир ҳам сен,  
Мунчоқ элим, кўзмунчоқлар соч,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиқлолинг бошингга гултож.

Аждодларинг сомоний, барлос,  
Бу мутелик юз йиллик, холос,  
Хур байроғинг занжирдан халос,  
Чақмоқ элим, чакна, нуринг соч,  
Ватан сенинг меҳрингга муҳтож,  
Истиқлолинг бошингга гултож.

\* \* \*

*Абдулла Ориповга*

**Кўз ўнгимда сарғайиб борар,  
Баҳорим деб таниган олам.  
Кўз ўнгимда кичрайиб борар,  
Муштдеккина муштипар онам.**

**Кўз ўнгимда киртайиб чўкар,  
Нур ёғилган жоду кабоқлар.  
Кўз ўнгимда кимсасиз қолар,  
Тиллога тенг тилло сабоқлар.**

**Айланади дунё кажрафтор,  
Кўз ўнгимда, гувоҳман ўзим.  
Қиёмат кун ўқиса сизни,  
Дажжолларга киради тўзим.**

**Кўз ўнгимда тебранар бешик,  
Яна қанча олим, шоир, бек.  
Абдуладан ўқийди бешак  
Юртда қолса охирги ўзбек.**

## ВАТАН ҲАҚИДА ҲУР ҚЎШИҚ

Қололмайман сенинг билан, қаро кунларим,  
Кечир мени, изтироблар, энди хайр-хўш.  
Жийда қийғос гуллаб турган анбар тунлари,  
Ҳаққим йўқдир йиғламоққа, салом ойдин туш.

Салом осмон, салом қуёш, суманбар тонглар,  
Йиллар бўзлаб чорлаганим, суюкли ёрим.  
Энди висол, энди шукуҳ, етишди онлар,  
Ҳурлик, менинг бош эгамсан, иффатим, орим.

Ҳаққим йўқдир, ҳаддим йўқдир, суҳайло кўнгил,  
Ўзимники энди бу шон, тизгиним, тилим.  
Қара, қандай сарафроздир, учмоқда бу дил,  
Армонлари қалдирғочга айланган элим.

Ўтда ёнмас, сувга чўкмас энди бу ватан,  
Ер куррасин манглайига битилди: “ЎЗБЕК”.  
Ҳар бир хожи хижратида покланур бу тан,  
Қуръон бўлиб, ҳадис бўлиб кирмоқда нурдек.

Қололмайман сенинг билан, қаро кунларим,  
Кечир мени, изтироблар, энди хайр-хўш.  
Жийда қийғос гуллаб турган анбар тунлари,  
Ҳаққим йўқдир йиғламоққа, салом ойдин туш.

Ҳаққим йўқдир нолимоққа, афғон чекмоққа,  
Қодирийлар руҳи энди чирқирамас ҳеч.  
Ёғий, сенинг фурсатинг йўқ уруғ экмоққа,  
Ўтди ғўрлик, битди кунинг, энди жуда кеч.

Энди кечдир, ўзлигини таниди элим,  
Ортга қайтмоқ беклар учун ўлимдир бешак.  
Тошни ёриб униб чиққан истиклол гулим,  
Боболарнинг пок руҳларин тебратган бешик.

\* \* \*

Меникидир мана шу осмон,  
Ёруғ дунё жаҳон меники,  
Хидлаганим райҳон меники,  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.

Ўзимники мана шу имкон,  
Ўзим экиб, ўзим ўрганим,  
Қўлим тутиб, кўзим кўрганим,  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.

Меникидир шу қўшиқ – дoston,  
Ҳайратларим, ҳаяжон, титроқ,  
Бошим қўйсам онамдир туфроқ,  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.

Ўзимники надомат, афғон,  
Савоб нечун, не ўзи гуноҳ,  
Икки дунё кўнглимдир паноҳ,  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.

Меникидир шу умр нодон,  
Ғафлат ичра сизни йўқотдим,  
Ҳасрат ичра ўзимни топдим  
Қолганлари ҳаммаси ёлғон.

\* \* \*

Менга тегмай тургин, менга гапирма,  
Хали дилим яра, илвираган жон.  
Юрак – жовдираган минг кўзли ғалвир,  
Қара, ҳали чак-чак оқаётир қон.

Тегсанг, тўкилади қизғалдоқ кўнглим,  
Кўнгил – қирқ ямлаб тўймаган аждар,  
Хали сиз эшитмаган гапларим лим-лим,  
Муҳаббат – умрга қадалган ханжар.

Қисмат – эшигингга қоқилган тақа,  
Тақа – бўйнингдаги дунё – исматинг.  
Нима бўлса бўлар, худодан кўрдим,  
Сандиққа қулфломас ҳеч ким қисматин.

Менга тегмай тургин, менга гапирма,  
Тегсанг, тўкилади қизғалдоқ кўнглим...



Юрак, чида, дунёи дун бу,  
Бари ёлғон, барини унут.  
Тун афсона, кунларинг эртақ,  
Муҳаббат, бу бир дамлик сукут.

Яна бир оз чида, андиша,  
Азал отинг барибир қўрқоқ.  
Фақат сенинг кўнглингда ҳадик,  
Фақат сенинг бошингда тўқмоқ.

Яна бир оз чида, андиша,  
Азал отинг барибир қўрқоқ.  
Фақат сенинг кўнглингда ҳадик,  
Фақат сенинг бошингда тўқмоқ.

Яна бир оз чидагин, сабр,  
Остонанга тилло тўлади.  
Сен жимгина заққум ичсанг-да,  
Гаплашганинг худо бўлади.

Яна бир оз чидагин, бардош,  
Сингилгинам, ўзим ўргилай.  
Бодом гули тўкилганидай,  
Банди-банди тўкилса нетай?!

Яна бир оз чидагин, фурсат,  
Қуюнларга қўмма изимни.  
Изин берма йўқотмоғимга,  
Қандай бўлсам, шундайлигимни.

\* \* \*

Сизсиз яшамокқа ўргандим, мана,  
Энди вужудимни тигламас фироқ.  
Кабутар хаёллар учмоқда, ана,  
Соғинчлар карвондай кетмоқда йироқ.

Йироқ энди менга сумансо боғлар,  
Дилкушо дийдорлар саробдир, тушдир.  
Елкамда айрилиқ – залворли тоғлар,  
Юрак парвозини йўқотган қушдир.

Суйдим, суйгуларим сизни қучмади,  
Куйдим, куйгуларим ёндирмади ҳеч.  
Мурувват висолдан оғиз очмади,  
Бир бора келмади, келманг, энди кеч!

Энди кеч, унутдим рафторингизни,  
Қошингиз, кўзингиз ҳаммаси ёлғон.  
Унутдим, жаҳонда йўқ борингизни,  
Энди сиз қўшиқсиз – минг йиллик армон.

## ЎЗИМНИКИ

Ўзбекистон, ўзлигингга жон тикаман,  
Ўргилайин, беклигингга чин бекаман.  
Истасам гар ҳайрат, иффат, шон экаман,  
Бўзми, тилло ерим энди ўзимники.

Тутми, жийда мева зоти ларзон-ларзон,  
Ҳар қадамда буғдой, пахта, шоли хирмон.  
Олтинга йўқ ҳиммат сизда, бизда арзон,  
Мўлми, кўлми, терим энди ўзимники.

Эътиқодим, имонимни ололмайсан,  
Икки дунё бўйнимга қарз илолмайсан.  
Ҳазинамнинг ҳисобини қилолмайсан,  
Камми, ортиқ кириш энди ўзимники.

Айтаверсам ҳасратларим бир тоғ бўлди,  
Малла сочининг ўргатгани қадах бўлди.  
Изи қуриб, саргузаштлар адоғ бўлди,  
Ҳалолу пок – эрим энди ўзимники.

Уят қилмас ҳеч ким ўсма қўйиб юрсам,  
Сочларимга пилик солиб тўйга борсам.  
Кафтларимнинг бўз ерига хино эксам,  
Кўзmunчоғу ирим энди ўзимники.

Ўзбекистон, ўзлигингга жон тикаман,  
Ўргилайин, беклигингга чин бекаман.  
Истасам гар ҳайрат, иффат, шон экаман,  
Сўзим, кўзим, ўзим энди ўзимники.

## КҮНГЛИМ

Севган киши хор бўлмайди,  
Меҳр излаб зор бўлмайди,  
Дунё кўзга тор бўлмайди,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ошиқликда тароват бор,  
Азобида ҳаловат бор,  
Мурувват бор, шафоат бор,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ёмғир бўлсам чўл қолмагай,  
Борса-келмас йўл қолмагай,  
Сенга мендек қул қолмагай,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Билиб туриб чўғлар босдим,  
Ишқ тоқига туғлар осдим,  
Ўз ҳаддимдан ўзим ошдим,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ҳаммасидан ҳижрон ёмон,  
Бу жон сенга балогардон,  
Ўлдирмаса бўлди армон,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Биларсан-ку жон омонат,  
Молу дунё, шон омонат,  
Отиб турган тонг омонат,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?



*Кўкламни согинган маъсум қушлардек  
безовта шоир юрагидаги бир парча  
ёғду бу – ШЕЪРДИР.*

\* \* \*

*Тиззанг қучиб айшингни сурким,  
Тиззангдан ўзгаси вафо қилмагай.*

Жалолиддин Румий

Армон, сенинг қўлларинг узун,  
қўлларинг синсин,  
Ҳижрон, сенинг ўланинг маҳзун,  
ўланинг тинсин.  
Пешонамга битмаган висол,  
ой нусха висол,  
Висол, сенинг юзларинг гулгун,  
юзларинг қурсин.  
Вужудимга сиғмасанг, юрак,  
учиб кет, учгил,  
Томиримга инмасанг, тилак,  
кўчиб кет, кўчгил,  
Кунда бир бор, ҳеч бўлмаса  
бир бор  
Хотирамни гуллатмасанг,  
ўчиб кет, ўчгил.  
Беш кун дунё, ох, деганга  
арзирмисан сен?  
Ох, десаму қон йиғласам,  
нозирмисан сен,  
Подшоҳ кўнглим гадо бўлди,  
чархи дун ичра,  
Ёлғон ичра, гирён ичра  
ҳозирмисан сен?  
Ҳаёт, сенинг жумбоқларинг  
ўзингга хикмат,  
Сенга бўлсин ҳамду сано,  
менга бир хилқат.  
Тиззам қучиб айшим сурай,  
ўз ҳолимга қўй,  
Вужудимдан ажратиб бер  
руҳимни фақат.

\* \* \*

*Синглим Саодатбонуға*

Биламан, қиз бола палахмон тоши,  
Бирга туғилса-да, ўзга йўлдоши,  
Соғиндим, не қилай, ёнди бардошим,  
Синглим, йўллариңга қараб яшайман.

Хавотир ханжардир, жонимни тилар,  
Соғинчга қўшилиб садпора қилар,  
Оҳ, қачон жон синглим – жаҳоним келар,  
Синглим, йўллариңга қараб яшайман.

Менсиз ҳам кунлариңг кулиши мумкин,  
Яримта ойлар ҳам тўлиши мумкин,  
Соғинчдан одамзод ўлиши мумкин,  
Синглим, йўллариңга қараб яшайман.

Гарчи ўртамизда ёвлар кам эмас,  
Ўчирмоқ истарлар, қуёш шам эмас,  
Ёнимда турсанг бас, ғамлар ғам эмас,  
Синглим, йўллариңга қараб яшайман.

Жилғадек оқсак бас, дарё керакмас,  
Ёлғонлар тўйдирган, рўё керакмас,  
Бизга дийдор керак, дунё керакмас,  
Синглим, йўллариңга қараб яшайман.

## КЎНГЛИМ БОР

**Кўнглим бор:**

Бир сўздан тарикдай сочилар,  
Теролмас ҳеч кимса, ҳеч кимса,  
Кўнглимда кўнглимга гапим бор,  
Айтолмас ҳеч кимса, ҳеч кимса.

**Кўнглим бор:**

Тоғларни қулатар беомон,  
Суф, демай сувларни қайтарар.  
Ё тангри, бу не ҳол, не қудрат,  
Бир нигоҳ қошида қалтирар.

**Кўнглим бор:**

Шаҳаншоҳ оёғи остида,  
Мағлубдир, саҳродай қовжирар.  
Унинг-чи, ҳар кеча тушида  
Бир дарвеш кўзлари жавдирар.

**Кўнглим бор:**

Меҳрга жонини берар у,  
Гадодан садақа тиланар.  
Бир тикан захридан ўлар-у,  
Райҳонни ҳидлатсанг тирилар!



## КЕЧИРОЛМАЙМАН

Тоғларни-ку,  
талқон  
қилишим мумкин,  
Сувларни  
тескари  
оқизиш осон.  
Бағримда  
эритгум  
қишни,  
аёзни,  
Шамолни  
қўйнимга  
яшириб қўйгум.  
Истасам,  
истасам...  
Ҳаммасига қодирман,  
ажаб,  
Фақат сени кечиролмайман!

\* \* \*

Қийнамагил ўзингни ҳам, мени ҳам,  
Тақдирни ҳам ўз ҳолига қўяйлик.  
Хаёллар-ку сарсон бўлди беватан,  
Сарсон бўлди севгимиздек гуноҳ ҳам.

Нима гуноҳ қилдим сенга билмассан,  
Билолмайман гуноҳларинг не ўзи.  
Бизни қайси сўзи оғир беқалблар,  
Кўзи оғир гуноҳкорлар айирди?!

Айирдилар, кўнгиллари тоғ бўлди,  
У тоғларда охуларим бўзлайди.  
Охуларим-армонларим ҳар кеча  
Тушларимда кўз ёшларим ялайди.

Нима гуноҳ қилдим сенга, билмассан,  
Билолмайман гуноҳларинг не ўзи.

\* \* \*

Ёлғиз аёл, қовжираши рост,  
Томир-томирлари қурийди бешак.  
Эй, сен ёлғон дунё, қоқшаган оғоч,  
Қилган даъволаринг гўдаксиз бешик.

Ёлғиз аёл, қовжираши рост,  
Гарчи у навнихол, киприklar майса.  
Эй, сен ғариб дунё, бунча кўзинг оч,  
Наҳот, шаъминг ёнар ғамгин кўпайса.

Ёлғиз аёл, қовжираши рост,  
Бир томчи сув келтир, тўрғай тилида.  
Яшнаб гулламаса жон сенга кафил,  
Қалдирғоч ин қурган маҳзун дилида.

Ёлғиз аёл, ҳаммаси бекор!  
На уни зар тутар, на тожи давлат.  
Икки дунём қуймасин десанг  
Сен уни яхши кўр, яхши кўр фақат.

## СОҒИНГАНДА

Кўзларим сувратинг йўқотиб қўйди,  
Қўлларим кафтингни излайди музлаб.  
Дил қушим жонидан айрилиб қолди,  
Йўлларим тўлғанар изларинг излаб.

Кўзларим сувратинг йўқотиб қўйди.  
Юрак топиб бер деб қилар хархаша,  
Бу суврат бошимга не бало солар,  
Ақл аҳволимни қилар томоша.

Кўзларим сувратинг йўқотиб қўйди.  
Излаб тополмайди яширган жойин.  
Сочларим анбарин таратмай қўйди,  
Сочларим оқарди, сочларим хоин.

\* \* \*

Икки қадам  
нарида  
чорлар жаҳаннам,  
Икки қадам  
берида  
имлайди илинж.  
Ўша  
илинж  
домига  
илинган сочим,  
Сочларим  
учида  
жоним-жаҳоним,  
Вужудим  
муаллақ,  
муаллақ руҳим.  
Икки қадам  
нарига  
етмас овозим,  
Икки қадам  
берида  
чақирмас  
ҳеч ким.

\* \* \*

*Ўғлим Наримонжонга*

Болам, сенинг бахтингга юзга кириб берсайдим,  
Соқолларинг кўксингга тушар эди ўшанда.  
Сен келардинг белбоғинг қатига новвот тугиб,  
“Мушкулкушод” ўқиган ширмон, майиз ўртада.

Келмаса ҳам қўлимдан юмушингга бакорлик,  
Гарчи ношуд, бедармон, муштдеккина яримжон  
Бўлсам ҳамки тилимда дуом – қилич ҳам қалқон,  
Теккан фойдам ўлмасдан юрсам бўлди, боламжон.

Мен тирик юрсам магар, бошингдан офтоб ўтмас,  
Чанг тегмас имонингга, чироеғли юрган йўлинг.  
Молинг талон-тарожмас, мисқолингда барака,  
Осмондаги ойга ҳам етар бемалол қўлинг.

Ўшанда ҳеч бир нокас кесолмагай кўкайинг,  
Мавсумий жўралар ҳам шимиб кетмас суруринг.  
Онангни яхши кўрсанг, кафтингга қўнгай жаҳон,  
Ҳар қандай ёсуманки, поймол этмас ғуруринг.

Яқинингга йўлолмас бобонгни енгган девлар,  
Қирчинида қийганлар, давронини сурганлар.  
Журъат қилолмас, болам, нафс дегани – балолар,  
Қани, ёнлаб кўрсин-чи қилич қайраб турганлар.

Болам, сенинг бахтингга юзга кириб берсайдим,  
Бош оқариб турса бас, қуриса ҳам илигим.  
Онангни яхши кўрсанг, ўзим ўргилай сендан,  
Кўзингга қараб туриб сира келмайди ўлгим.



*Сен-ку сен-а! Мен учун мана шу  
гарданимни тўсиб турган бир дона  
тугмамни йўқотиш ҳам жуда огир.*

## БОБУР ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бўлди ғарк орому форуғ дарёйи ёшдин яна,  
Чун кўз ёшим уммонлиғи таънан тошдин яна,  
Найлайин ичдим билиб какраи ошдин яна,  
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Сарбасар сахро кезиб янтоқдин гул тердим, вале,  
Йўқдин бор қилмин иши воқиф эрди сирдин, вале,  
Ошкор бўлди бари, кетармен бу ердин, вале,  
Мен худ ул тифли парийвашга кўнгил бердим, вале,  
Хонумоним ногаҳон бузилмағай бошдин яна.

Ки сени кўрмай бурун танга мақарраб эрди дил,  
Энди ул ёлғиз яшар мисли қамар танҳою тул,  
Бул кўзим ушбу кўзимға ғаним бўлдики, бил,  
Юз ёманлиғ кўриб андин телба бўлдинг, эй кўнгил,  
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Ҳар қадамда мўтадинлар жафоси кетмас нари,  
Янгирур дардим яна кун-бакун ўтган сари,  
Борму мушфиқ бош силарға, тошилурму муштарий,  
Тош урар атфол мени уйда форуғ ул парий,  
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Фарри тож эрдинг Фаридун, бошни не кесмиш  
атай,  
Бир жонимға минг жазо берган тажаллидин кечай.  
Эй, ёри жон, бу не азоб, оғу бўл, жон деб ичай.  
Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдим, нетай,  
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна.



## БОБУР ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Не гуноҳим борин айтинг, севмоқдин ўзга ёрнинг,  
Туну кун сиртмоқ эшар қилмиш иши айёрнинг,  
Сизга не юк сочга тақсам бир умр ишк –

зуннорнинг,

Қайси бир озорин айтай жонимга ағёринг,  
Қайси бир оғритқанин кўнглимни дей дилдорнинг.

Бирни берсанг, минг берар, ваъдаси бор

оллоҳнинг,

Ўзи тўйса кўзи тўймас муғбачан суллоҳнинг,  
Ваҳ, дастидин қайга қочай бу нотавон ҳамроҳнинг,  
Қайси бир бераҳлиғини толен гумроҳнинг,  
Қайси бир кажравлиғини чархи кажрафторнинг.

Айланур гир гурбатин айтай бесубут фаслнинг,  
Қолдиму жўмардлиги ҳеч етти пушт эл-наслнинг,  
Асли топмоқ душвор эрур, асллар ичра асилнинг,  
Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг,  
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг.

Гул умр ёнди хазондек, тонглар эмди сиях рўй,  
Ҳар расо мушфикники девона айлар бу кўй,  
Ким билан кимнинг иши, кимга аза, кимларга

тўй,

Гурбат ичра, эй кангул, элдин вафо истарни

кўй,

Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.



## НОДИРА ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дил ғами ошкор эмасдур торсиз,  
Ғамза қилмас ушбу торлар зорсиз,  
Дил чўққиси ял-ял эмас қорсиз,  
Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Кимки жонин қасдига озори бор,  
Ишқ уйин пештоқинда бир дори бор,  
Лек муҳаббатсиз умрнинг зори бор,  
Ҳар кишининг бир муносиб ёри бор,  
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Қон аро жунбуш қилар ишқим нидо,  
Беғаму, беқайғу кунлар, алвидо,  
Ваҳ, не топдим, не йўқотдим, эй худо,  
Ул париваш васлидин бўлдим жудо,  
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Юклидурмен, эл юкини ортамен,  
Кошки олғувчи бўлса сотамен,  
Кун-бакун андуҳ лойиға ботамен,  
Ёр учун ағёр дардин тортамен,  
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Чархи зол бошимга нелар солмади,  
Неча йилки гийбатидин толмади,  
Ол, жоним олгил, десам ҳам олмади,  
Тан бузилди, энди роҳат қолмади,  
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Изладим бир холису йўлдош субул,  
Топмадим, ки сарғайиб бебахра гул,  
Йиғлама, танҳо аввал ойдек кангул,  
Оразин кўр, бўлма зулфидин малул,  
Бу жаҳонда ганж йўқдир морсиз.

Гулшан ичра кезса ул моҳитабон  
Иззатин гул қилди таъзим-ла аён,  
Кўзларига нарғис ошиқ ончунон,  
Берма нисбат қаддига, эй боғбон,  
Сарвдир бу боғ аро рафторсиз.

Чекма ғам минг фироқи ёрдин,  
Жон зада ул фитнаи айёрдин,  
Лаҳзада урмоққа ниш тайёрдин,  
Ор қилмас таънаи ағёрдин,  
Ошиқ содиқни дерлар орсиз.

Қанча ғам чекди Фариди, сиз билинг,  
Кўнглини олмоққа ёрон интилинг,  
Гар савоб бўлса керак бир зум келинг,  
Нодири аҳволидин огоҳ ўлинг,  
Эй, мусоҳибларки қолмиш ёрсиз.

## ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Аслида ёзиб қисмат пешона тонг отгунча,  
Дил қисмат ўйинидин ҳайрона тонг отгунча,  
Ул ўйиндин минг жафо бу жона тонг отгунча,  
Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отгунча,  
Ўртар юрагим жисмим бирёна тонг отгунча.

Сочларим қилиб арқон дорингга етолмасман,  
Кипригим қилиб ханжар жонимга етолмасман,  
Минг ўлиб, минг тирилиб додимга етолмасман,  
Сен Вомиқу мен Узро, васлингга етолмасман,  
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отгунча.

Минг шукур, минг бор шукур, эй сўзлари модорим,  
Бир топиб минг йўқотган банду кушод бозорим,  
Эл ичра ҳам шармисор, ҳамда номусу орим,  
Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хуморим,  
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отгунча.


Дўст деганим ёт чиқиб сўрди жондин болимни,  
Мен қайга қувиб солай қўйнимда илонимни,  
Хазон келмай ўчирди гул юздаги олимни,  
Ҳеч кимга деёлмасман бу сўз ила ҳолимни,  
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча.

Кунлар ўтар бесамар ташнаю гирён айлаб,

Майли, кел, келсанг агар сокин дил тўфон айлаб,  
Кечиб икки дунёдин, ҳар ишни бир ён айлаб,  
Хилватда агар кўрсам сиримни баён айлаб,  
Сен бирла бўлай анда ҳамхона тонг отгунча.

Намозшомгул нозланиб, бағримни мушк анбар қил,  
Нури-ла сочим ювай, ой ўзинг мусаввир қил,  
Бу хокисор ишқимни, эй худо, мўътабар қил,  
Оқшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,  
Айтар сенга ҳолимни парвона тонг отгунча.

Айтмайин десам бўлмас, айтсам жонни тигларман,  
Иймону инсоф ипин дил торига боғларман,  
Дардим айтиб, Фарида, туфроқ кўнглим тоғларман,  
Найлайки иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,  
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча.



*ИЖОДКОР ҳам бир ниҳолдайин гап.  
Унга қуёш, ҳаво, сув, тупроқ –  
барчаси бирдай зарур.  
Ана шулардан биронтаси кам  
бўлсин-чи...*

## ХАЛҚ ОҶАНГЛАРИДА

\* \* \*

Оқ билак ойим анжонлик,  
Томоғини таги маржонлик.  
Ўйнамайди, кулмайди,  
Акасини қадрин билмайди.

Арава тўла келар қизлар,  
Юрак қурғур қақшайди.  
Биз томонга эсар еллар,  
Умид борга ўхшайди.

Гирчиллама Қўкон арава,  
Малагимни ташлаб ўт.  
Шон керакмас, жон керакмас,  
Тилагимни ташлаб ўт.

Юрт сўраган эр йигитман,  
Тулпор минсам кишнайди.  
Келақол, десам ёр нозланиб,  
Сочини учини тишлайди.



\* \* \*

Бошимда дүппи, белимда белбоғ,  
Ёнингга қайтаман-о.  
Қулоғингга бир гапим бор,  
Ойдинда айтаман-о.

Ойдин кеча, оппок кеча:  
Кулгучинг ёнади.  
Киприкларинг ой нуридек  
Кўксимга ботади.

Ёрим, сочинг тўлғонади,  
Туморинг бормиди.  
Гоҳ мўралаб, гоҳ қочасан,  
Гумонинг бормиди.

Гумон асли дайди шамол,  
Рўмолинг учирмасин.  
Юрагингга бир ишқ солдим,  
Худойим ўчирмасин.

\* \* \*

*Олти ариқда олти тол, эй хонумоним,  
Олталаси бизни тол, сен мани ёрим.  
Рўпарамда ўтирган, эй, хонумоним,  
Қаро қошли бизни ёр, сан мани ёрим.*

Халк қўшиғидан

**Юлдуз осмонсиз кулмас,  
Кўнгил армонсиз бўлмас,  
Бу беш кунлик дунёдир,  
Яхши-ёмонсиз бўлмас.**

**Сочларинг силай десам,  
Қизғанади товонинг.  
Юзта яхшинг ичинда,  
Битта ўзим ёмонинг.**

**Ёруғ дунё меники,  
Меникидир шу осмон.  
Ўзим экиб олганман,  
Ҳидлаганим шу райхон.**

**Райхон тунда сув ичар,  
Бағрида тонглар отар.  
Билиб туриб узманглар,  
Баргида жоним ётар.**

\* \* \*

Бўйингдан ўргилай, менга боқмадинг,  
Ёки ёқмадимми, киприк қоқмадинг.  
Сочлари зилолим, келмасин малолим,  
Ахир сен биландир камолу заволим.

Жонни ёқайинми, зирак тақайинми,  
Мурувват айламоқ ё шунча қийинми.  
Сен ойдин тунимсан, одина кунимсан,  
Кеч кузда дафъатан очилган гулимсан.

Бўйингдан ўргилай, сен бору йўғимсан,  
Дунёлар талошиб, давлату туғимсан,  
Мурўдинг кўшкида фарри-тож ўзимман,  
Худо хоҳласа бас, умрингга тўзимман.

\* \* \*

**Кўконжонда бир ҳовли бор анжирли,  
Қачон борсам дарвозаси занжирли,  
Кириб борай десам аста чорбоғдан,  
Топилмайди бир баҳона арзирли.**

**Эшигингни олди Наймандир, ёрим,  
Найманны сувлари лойланди, ёрим,  
Кўз остимга олиб қўйганман сени,  
Жон жойимга ишқинг жойланди, ёрим.**

**Анжирни сояси салқин, хуморли,  
Қирқ кокилинг тўлғонади туморли,  
Ой нурида қизғалдоғдек титрайсан,  
Тегсам бармоқларим куяр озорли.**

\* \* \*

*Уйгур халқ қўшиқларидан*

Ассалом, деб уйга кирсам,  
Уйда меҳмон ўлтирар.  
Қошлари барги қиёқдек,  
Кўзлари ўйнаб турар.

Йиғлама, қора кўз, йиғлама,  
Узоққа кетсам йиғлама.  
Бошингга дўппи, белингга белбоғ  
Олгач келаман, йиғлама.

Дард-аламлар келади  
Ўғил боланинг бошина.  
Кўлда ўрдак чўмилади  
Кўздан оққан ёшина.

Мен сени ҳаддан соғиндим,  
Сен соғиндингми мени.  
Сен қаерингдан соғиндинг,  
Мен юрагимдан сени.

## ЗОБИТЛАР ҚЎШИФИ

Ота, сизнинг гапингиз рост,  
Қаддим тиклар ҳар ўғит,  
Қўриқлаш чун ор-номусин,  
Ҳарбий бўлсин ҳар йигит.

Тур, дўстим, тур, юр, дўстим, юр,  
Илдам қадам ташлайлик,  
Бурч, хизматни отам айтган  
Эътиқоддан бошлайлик.

Аёл омон, наслинг омон,  
Имон бутдир, кўнглинг тўқ.  
Онасини кафтда тутган  
Элга асло бало йўқ.

Тур, дўстим, тур, юр, дўстим, юр,  
Илдам қадам ташлайлик.  
Бурч, хизматни онам кутган  
Остонадан бошлайлик.

Қирк йил қирғин бўлса ҳамки,  
Селдай ёғса найза ўқ.  
Аёл учун жангга кирган  
Эр йигитга ўлим йўқ.

Тур, дўстим, тур, юр, дўстим, юр,  
Илдам қадам ташлайлик.  
Бурч, хизматни ёр гул эккан  
Чаманзордан бошлайлик.

Майли сени алдасинлар,  
Дилинг ёқсин алам, чўғ.  
Киприк узра дунё тутган,  
Сингилдаин мушфик йўк.

Тур, дўстим, тур, юр, дўстим, юр,  
Илдам қадам ташлайлик.  
Бурч, хизматни синглим тиккан  
Сўзанадан бошлайлик.

Ватанни сев, тупроғин ўп,  
Меҳринг бошга тожу туғ.  
Юртни жон-ла қенг қўйганга  
Бу дунёда кулфат йўк.

Тур, дўстим, тур, юр, дўстим, юр,  
Илдам қадам ташлайлик.  
Бурч, хизматни мангу озод  
Туркистондан бошлайлик.

\* \* \*

*Туркона оҳангларда*

”Уч кун дединг, беш кун дединг,  
ойлар ўтди, келмадинг”,  
Фироқингда илинжларим  
қонлар ютди, келмадинг.

Тонглар отар, кунлар ботар,  
шафоатдан йўқ дарак,  
Ёзлар ўтар, кузлар ўтар,  
умр ўтар жон ҳалак.

Меҳр деган насим қайда,  
қайда унинг макони,  
Сабр қайда, тўзим қайда,  
борми зарра имкони.

Яшамоқ не йўлга қараб,  
наҳот, шудир муҳаббат?!

Сендан кечдим, жондан бездим,  
энди кутма ҳеч шафқат.

Уч кун дединг, беш кун дединг,  
ойлар ўтди, келмадинг,  
Фироқингда илинжларим  
қонлар ютди, келмадинг.





*Кимки ҳаловатларида азобни,  
азобларида роҳатини ҳис қилиб турмас  
экан, у хатоларга Ота,  
армонларга Она бўлгусидир.*

## БИР ҰЧОҚ ҰТИН ВА БИР ҚУЧОҚ ЕТИМЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАДИМГИ РИВОЯТ

Ох, отажон, жон ота,  
Куймас эдим шунчалар  
Ўлганинга сен агар.  
Вой, онажон, жон она,  
Сўлмас эдим шунчалар  
Ўлганинга сен агар –  
Шундай дея отилиб  
Кирди аёл бечора,  
Ота-она ҳайрондир,  
Топилмайди ҳеч чора.  
Қизгинасин оҳига  
Харсангтошлар йиғлайди,  
Юлдузлар юмиб кўзин  
Ўз бағрини тиглайди,  
Момо Ҳаво қайдасиз,  
Тўзим беринг шўрликка.  
Барига чидар аёл,  
Чидамайди хўрликка.  
Тоғлар, қани саботинг,  
Сабринг қайда, уммонлар?!  
Тўзим тиланг шўрликка,  
Чидамайди хўрликка!  
Аёл чопар сөч ёйиб,  
Ўша дили вайрона.  
Одам Ато, қайдасиз,  
У бўлмоқда девона.  
Ҳушёр бўлинг, дарахтлар,  
Шохларингиз тутқизманг.

Шўрликка хўрлик оғир,  
У онадир, унутманг!

Аёл чопар ортидан,  
Тўрт фарзанди бўзлайди.  
Унга нима бу дунё,  
У дунёни кўзлайди.  
Бари унут, бари соб,  
Барига ўтлар тушди.  
Номард эр ўзга ёрнинг  
Нозик белидан кучди.  
Нозик белинг синсин-ей,  
Синсин, йигит, қўлларинг.  
“Севдим” деган хув ўша,  
Кесилсин-ей, тилларинг!

Қаҳратон киш, йўк нажот,  
Сандалу қуроқ кўрпа.  
Болалари какирлар,  
Милтирайди чўғ зўрға.  
Бетавфиқ ота бир кун  
Келдию йўл бошлади.  
Гўдакларин арранинг  
Бир ёнига ташлади.  
Арра тортар митти жон,  
Утин қилдирар ғарам.  
Музласа ҳам қўлчалар,  
Болалар хурсанд бирам.  
Бироқ шодлик узоққа  
Чўзилмади, ботмади.  
Ота юклаб ўтинни  
Ўзга манзил бошлади.  
Бирдам қотди бариси  
Лолу карахт, бетадбир.  
Сўнг югурди ортидан,

Фарёд қилиб бирма-бир.  
Роса бўлди қиёмат,  
Бўлди даҳшат томоша.

От думига тўрт гўдак  
Етиб олди ёпишиб,  
Бўзладилар зорланиб:  
– Жон ота, ташлаб кетинг,  
Жоним отам, ўтинни.  
Майли, майли, розимиз,  
Олинг ўша хотинни.  
– Тўрам, тўрам, тўрамлаб  
Аёл отга осилди.  
Тепди кўксига эри,  
Оғзидан қон отилди:  
– Сенга нима, қизталок,  
Сенга ўтин керакмас!  
Унга-чи, қанча ёқса  
Барибир олов етмас.

Аёл чопар, ортидан  
Тўрт фарзанди бўзлайди,  
Унга нима бу дунё,  
У дунёни кўзлайди.  
Момо Ҳаво, қайдасиз,  
Тўзим беринг шўрликка.  
Барига чидар аёл,  
Чидамайди хўрликка.

Аёл борди изма-из,  
Кирди ўша кулбага  
Ва ўзин ўтга отди,  
Беҳуш, ўхшар телбага.  
– Мана, – деди, – сенга ўт,  
Керагича исингин!  
Жон тўрам, сўнгги сўзим,  
Ўтинни бер, илингин!

**Аёл ёнар ловуллаб,  
Ёнар дунё устун.  
Болалари чинқирар,  
Елкасида ўтини!..**

**”Оҳ, отажон, жон ота,  
Куймас эдим шунчалар  
Ўлганигда сен агар!  
Вой, онажон, жон она,  
Ёнмас эдим бунчалар  
Ўлганигда сен агар”.**

## ОНАМДАН ЭШИТГАН ҚУВНОК РИВОЯТ

Қадимда бир донишманд,  
Ўтган экан хўб фозил.  
Ўстирибди ақли хуш,  
Таърифга сиғмас ўғил.  
Доно эмиш эр йигит,  
Мардлиги ундан зиёд.  
Ҳотаму ўктам эмиш,  
Жасурки, мисли Бунёд.

Бир кун ота ўғилга  
Панду насиҳат этмиш.  
Уйлан, жойлан, жон болам,  
Вақти соати етмиш.  
Йигит бир зум қизариб  
Андиша-ла сўз қотди,  
– Ота, қуллуғ ва лекин  
Севмай, кўнглим тўлмайин,  
Ҳеч йўқ, бир бор кўрмасдан  
Қандай хотин олайин.  
– Маъқул, – дебди отаси,  
Бунинг бир чораси бор.  
Ихтиёр эт саёҳат,  
Бўлсин сенга омад ёр!  
Хушёр бўл, ҳар мўминдан  
Аяма хуш каломинг!  
Жуда мушкул ва биров,

Илоё топ жуфт-халолинг!  
Йигит йўлга отланди,  
Фотиҳа берди ота.  
Сўнг тилади оллоҳдан  
Оқила, малак сиймо.

Йигит кетди дарбадар,  
Боши оққан томонга.  
Ҳориб, қуриб силласи,  
Келди карвонсаройга.  
Карвонсарой мисли тўй,  
Етти иқлим шундадур.  
Йигит хуноб, босар ўй,  
Икки жони уйдадир.  
Қизик, сўйлар ўзига,  
Бунча нодон бўлмасам.  
Нечун шунча сарсонлик,  
Такдирга тан бермасдан!  
Яна қилди таваккал,  
Ортга қайтиш йўқ асло.  
Не бўлса ҳам манглайдан,  
Жон чекмаса, йўқ жоно!

Йигит йўлга отланди,  
Ҳамроҳ бўлди мўйсафид,  
Йўлнинг танобин тортар,  
Бир жуфт ҳангома, суҳбат.  
Бироқ чолнинг раъйидан  
Суҳбатга йўқ тоқати,  
Йигит-чи, тўлиб-тошар,  
Йўқ сабр-қаноати,  
– Ота, – деди мулойим,

Сўз бошлади узоқдан,  
Насибни кўринг, ажаб,  
Кепмиз Шому Ироқдан.  
Шундай экан, елкамга  
Келинг, чиқиб ўтиринг,  
Ҳоримайлик иккимиз,  
Ё сиз мени миндилинг.

Э, воҳ, деди мўйсафид,  
Нима гуноҳ қилгандим,  
Ўз дардим етмай энди  
Бу нодонга учрадим.  
Бир ўкрайди-ю, аммо  
Сўз демади бечора,  
Икковлон жим-жим яна  
Йўлга бўлди равона.  
Чол сиқилган ва бироқ,  
Юзидан нур ёғарди,  
Йигит ўғринча боқиб  
Мийиғида куларди.  
Чол дер энсаси қотиб,  
Тангрим, ўзинг чеварсан,  
Бериб-ку хўб латофат,  
Зарра ақл бермапсан.  
Йўл юрдилар. Саратон  
Ўз ишини қиларди,  
Ҳориб, қуриб силлалар  
Бир пайкалда тўхталди.  
Пайкалки, ҳар бир бошок  
Қуёшга роз сўзлайди.  
Чигиртка чалар ғижжак,  
Бўзтўрғайлар бўзлайди.



–Ота, қаранг, худонинг  
Қудратидан бу хирмон.  
Донини еб бўлганми,  
Ё энди ерми деҳқон?  
– Э, воҳ, деди чол яна,  
Нима гуноҳ қилгандим,  
Ўз дардим етмай яна  
Бу тентакка учрадим.  
Чолнинг дили зимистон,  
Чирок ёкса ёнмайди,  
Бўлари бўлди чарчаб,  
Бу саволи нимайди?  
Девонанинг дастидан,  
Паймонаси тўларди.  
Йигит-чи, ўғри қараб,  
Мийиғида куларди,  
Йўл юрмоқни гашти бор,  
Лек узоғи гўр азоб.  
Қовоғидан ёғар қор,  
Йўлдоши сирли, ажаб!  
Бир ўқрайди чол яна,  
Сўз демади, начора.  
Икковлон жим-жим яна  
Йўлга бўлди равона.  
Энди йигит ҳам тошди,  
Ёш эмасми, тўликди.  
Бироқ кўп юрмасидан  
Бир тобутга йўликди.  
Тумонат одам узра  
Оқиб келарди обрў,  
Фотиҳа тортиб юзга,

Чолга бўлди рўбарў:  
– Ота, манов майитнинг  
Яна қанча умри бор?  
Балки ўлиб бўлгандир,  
Дунё азал далли, тор!  
– Э, воҳ, деб чол ингради,  
Тангрим, ўзинг чеварсан,  
Бериб-ку янтоққа гул,  
Шунга ақл бермабсан?!  
Ишқилиб ўзинг асра  
Бундай нодон куёвдан,  
Кўзим оқу қаросин,  
Омон сақлагин ёвдан.  
Ҳайриятки, кишлокнинг  
Қораси ҳам кўринди.  
Чол ўзида йўқ хурсанд,  
Йўл – азобдан қутилди.  
Лек босди уни бир ўй,  
Буёғи қандай бўлар?  
Ахир шунча йўл ҳамдам,  
Овсарроқ бўлса, бўлар.  
Таклиф этди йигитни  
Бир пиёла яхнага.  
Бир томон ўзбекчилик,  
Бирдам ҳордиқ, ҳарна-да.  
  
Ота шошилди чандон,  
Қизгинасин кўрарга.  
Қурсин-а тирикчилик,  
Чол келди бир қарорга.  
Қизин тез эгасига

Топширмаса йўк чора.  
Армонсиз кўз юмарди,  
Кўнгли тинчирди зора.  
Қизин бағрига босиб,  
Хуфия бокди аста,  
Ўзи гул, ахлоки гул,  
Суманбару ораста.  
Меҳмон келди, чой бергин,  
Ўзи сал девонароқ.  
Хусни кўргин бай-бай,  
Ақлдан бегонароқ.  
Қиз сўради қизиқиб,  
– Ота, нечук ахволи?  
– Э, сўрама, жон қизим,  
Жудаям тангдир холи.  
Карвонсаройдан менга  
Ҳамроҳ бўлди, эргашди.  
Ярим йўлда дафъатан  
Таклиф этди мингашни.  
Бир оз ўтиб бепаён  
Пайкал бўлди рўбарў.  
Бугдойни еб бўлганми,  
Энди ерми, дейди-ёв!  
Энсам қотирди, тоза  
Йўл бўйи жонга тегди.  
У ҳам майли, эшитгин,  
Майит тирикми, дейди.  
Хандон отиб қиз кулди,  
Ота ҳайрон, ота лол.  
– Бахтим бошлаб келибсиз.  
Такдирдир шу эҳтимол.

Эх, содда отажоним,  
Ўзим ўргилай сиздан.  
Бундай доно йигитни  
Арзир тавоф изидан.  
Мингашайлик дегани,  
Хангома, кулгу, сухбат.  
Дон дехқонга етмаса,  
Қарздор дегани албат.  
Ҳамма ўлган ўларми,  
Ортда қолса яхшилик.  
Ўлмасдан, ўлса ёмон,  
Қуримай ҳали илик.

Алқисса, ривоятдан  
Тез чиқаринг хулоса.  
Кутарга вақтимиз йўқ,  
Тўй кечикар бўлмаса.



*Уммони бор одам томчисини  
қизганмайди.*

## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Баъзан  
йиғламоққа  
бахона  
бўлмас,  
Қўя қолай  
десанг,  
ўпканг  
тўлади.

Йиғламай  
яшайман  
дейсану,  
бирок,

Кўнгил  
кўчасида  
кимдир  
ўлади.

\* \* \*

Сендан  
менга  
хотира бўлиб,  
бир ўт қолди,

Тутунлари  
қирди  
кўзга,  
кўзлар толди.

Инсоф  
қилгин,  
дўстим,  
инсоф ёш жонимга,

Энди  
сени севмай  
бўлмас,  
қўй ҳолимга!

\* \* \*

Сенга  
жуда  
осон,  
сенга  
барибир,

Юрагинг  
тош  
эрур,  
дийдаларинг  
тош.

Мени  
эса  
бир куни  
ўлдирар  
сабр,

Ўзи  
йиғлаб-  
йиғлаб  
кўмади  
бардош.

\* \* \*

Сени соғинмоқ –  
дорга илинмоқ.  
Ох, нега соғиндим,  
шунчалар ёмон.  
Сени севмоқ –  
тиғ узра юрмоқ.  
Ох, нега севдим?!  
Чархи дун гирён.  
Охири қандоқ?!

\* \* \*

Мени  
севасизми, –  
дея  
сўрадинг.  
Йўк, йўк.  
Асло,  
дедим  
сесканиб.  
Соғинарсиз,  
балким  
ҳар замон.  
Йўк, йўк,  
асло,  
дедим  
уялиб.  
Аслида - чи,  
ичикиб  
боряпман  
кундан - кун.



\* \* \*

Шеър -  
хайратлар  
вулкони,  
Сачраган  
жойни  
куйдиргувчи...

Етмиш икки  
томирингдан  
сизган,

Сени  
девоная  
абгор қилган  
дардлардир  
бу –  
шеър...

\* \* \*

Кўнглим,  
сенга доим  
дакки  
берарлар...

Ахир  
билмасанг,  
ўргангин - да!

Мен  
ҳар доим  
билмаганимга  
эмас,

Билганларим  
учун  
дакки  
ейман!

\* \* \*

Мен  
яхшиси  
дардимни  
шу  
кўркам  
дарахтларга  
айтаман,

Улар  
”миш - миш”  
тарқатмагай  
бир - бирларига...

\* \* \*

Остонада  
кимдир  
инграйди,

Жуда  
таниш  
овоз.

Ажаб...  
Ким  
бўлди экан?..

Ие?!  
Муҳаббат,  
Сен  
кўчадамидинг?!

\* \* \*

Ёлғиз  
Оллоҳим –  
кўнглим,

Ёлғиз  
гуноҳим –  
кўнглим,

Савобу  
гуноҳ  
аро

Ёлғиз  
паноҳим –  
кўнглим.

\* \* \*

Сени  
севиб,  
севиб,  
севиб

Яшаяпман,  
сендан  
йирокда.

Мени  
севиб,  
севиб,  
севиб

Яшаяпти  
ёнгинамда –  
фирокда.

\* \* \*

Нурни нур,  
гулни гул  
Демокқа  
хаққим борми?

Оқни оқ,  
қорани қора  
Демокқа  
хаққим борми?

Шундай экан,  
Нега  
таъқиб  
этасан

Сени  
севмаслигимни  
айтсам.

\* \* \*

Тўлиб кетди  
қалбим,  
Исмсиз  
дардга,

Энди  
сўзлай уни,  
Айтинг, қай  
мардга?

Қани,  
сўйла  
дебон  
Ким  
бергай овоз,

Наҳотки,  
яна  
Қалам  
ва қоғоз?

## МУНДАРИЖА

Ўзим ҳақимда .....	5
--------------------	---

*Шоир – шамолда шам кўтариб кетаётган кимсадир.*

„Жоним маним...” .....	10
“Бу кунлар ҳам ғанимат” .....	11
“Келсанг келгин” .....	12
“Сочларингни райҳон ўпди” .....	13
“Сен осийсан” .....	14
“Надомат” .....	15
“Мен ўзи кимман” .....	16
“Сен юборган булутлар” .....	17
“Рух шамоли қақшатди” .....	18

*КЎНГИЛ ОДАМИ – мисоли дарахт.*

*Биров мевасини еса, биров соясидан баҳра олади.*

*Охир-оқибат, ўтин қилиб ёқадилар, исинадилар.*

“Кумуш, сени тушундим бугун...” .....	20
“Мени қўйиб юбор, Дўрмон боғлари...” .....	21
“Қандай яшай...” .....	22
“Яна қайтиб келгунингизча” .....	23
“Сендан шафқат кутгандан кўра...” .....	25
Анна Ахматова хотирасига. ....	26
“Мен ҳар ҳолда ўрганиб қолдим...” .....	27
“Эшигингни билмай очдим...” .....	28
“Онанг ўлмасин” .....	29
Сизсиз .....	30

*Ижод йўли билгисиз қарвон йўлидир.*

*Унинг қай манзилга, қай ҳолатда етиб олиши сарбонга –  
устози ХОЛИКқа аён.*

Ёлғиз аёлга .....	32
“Кетаман мени зор кутганлар томон...” .....	33
“Соғина, соғина, соғинмай қўйдим...” .....	34
“Ана қояларда сармаст калхатлар...” .....	35
“Сизга яхши келин бўлдим...” .....	36
“Ёмғир...” .....	37
“Кетаман” .....	38

“Войдод-ей, чарчадим...” .....	39
Жаҳон отин Увайсий энам ҳазратларига .....	41
“Йиғласам гар тун қўйнида жим...” .....	42

*Руҳни вужуддан ажратиб олиш шунчалар қийинки, вужудинг бирор шикаст еса руҳинг эзилади. Руҳинг қақшаса вужудга ҳам омонлик йўқ! ЖОН шўрлик эса ўртада сарсон.*

“Қоч, бегим, сор келди...” .....	44
“Моҳлар ойимга ҳасрат” .....	45
Туғилган кунда .....	47
“Кузак демай...” .....	48
“Бизни соғинганлар омон бўлсинлар...” .....	49
“Ҳар саҳар уйиндан бош олиб...” .....	50
“Туни билан эртақ айтди куз...” .....	52
Сочларингиз .....	53
“Чарчадим яшириб оғриқларимни...” .....	54

*Шоир – ўлиқлар ичинда тирик, тириклар ичинда унутдир*

Яхшики, хаёл бор .....	56
“Изламанг, уйимдан топа олмайсиз...” .....	57
“Сени хаёлимдан яширолмайман...” .....	58
“Замин каби айлан, бошим...” .....	59
“Эртанги кунимга” .....	60
“Тулпор минган чавандоз...” .....	61
Лайлак мазор .....	63
Илинж .....	64

*Одамзод нега шундай яралган? Нега шунчалар ташна?!*

*Ҳайҳот, ҳатто ўз қонини ўзи ичади-я!*

“Турон замин момоннинг маҳри...” .....	66
“Кўз ўнгимда сарғайиб борар...” .....	68
Ватан ҳақида ҳур кўшиқ .....	69
“Меникидир мана шу осмон” .....	71
“Менга тегмай тургин, менга гапирма” .....	72
“Юрак, чида, дунёи дун бу” .....	73
“Сизсиз яшамокқа ўргандим мана” .....	74
Ўзимники .....	75
Кўнглим .....	76

*Кўкламни соғинган маъсум қушлардек безовта шоир юрагидаги бир парча ёғду бу – ШЕЪРДИР.*

“Армон, сенинг қўлларинг узун .....	78
-------------------------------------	----

“Биламан, қиз бола палаҳмон тоши. ....	79
Кўнглим бор .....	80
Кечиролмайман .....	81
“Қийнамагил ўзингни ҳам, мени ҳам” .....	82
“Ёлғиз аёл қовжираши рост” .....	83
Соғинганда .....	84
“Икки қадам нарида чорлар жаҳаннам” .....	85
“Болам, сенинг бахтингга юзга кириб” .....	86

*Сен-ку сен-а! Мен учун мана шу гарданимни тўсиб турган  
бир дона тугмамни йўқотиш ҳам жуда оғир.*

Бобур ғазалига мухаммас .....	88
Бобур ғазалига мухаммас .....	89
Нодира ғазалига мухаммас .....	91
Ҳазиний ғазалига мухаммас .....	93

*ИЖОДКОР ҳам бир ниҳолдайин гап.*

*Унга қуёш, ҳаво, сув, тупроқ – барчаси бирдай зарур.  
Ана шулардан биронтаси кам бўлсин-чи...*

Халқ оҳанглирида .....	96
“Оқ билак ойим анжонлик” .....	96
“Бошимда дўппи, белимда белбоғ...” .....	97
“Юлдуз осмонсиз қулмас...” .....	98
“Бўйингдан ўргилай...” .....	99
“Қўқонжонда бир ҳовли бор анжирли...” .....	100
“Ассалом, деб уйга кирсам...” .....	101
Зобитлар кўшиғи .....	102
“Уч кун дединг...” .....	104

*Кимки ҳаловатларида азобни, азобларида роҳатини ҳис  
қилиб турмас экан, у хатоларга Ота, армонларга Она  
бўлгусидир*

Бир ўчоқ ўтин ва бир кучоқ етимлар ҳақидаги қадимги ривоят .....	106
Онамдан эшитган қувноқ ривоят .....	110

*Уммони бор одам томчисини қизганмайди.*

Тўртликлар .....	118
------------------	-----

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

*Адабий-бадиий нашр*

**Фарида Афрўз**

( *Фарида Қўзибой қизи Бўтаева* )

**КЎЗИМ МАНИМ...**

**Шеърлар**

**Рассом М. Карпузас**

**Расмлар муҳаррири А.Бобров**

**Техник муҳаррир Т.Смирнова**

ИБ № 5648

Босишга рухсат этилди 16.04.99. Бичими 70x90  $\frac{1}{32}$ . 1- нав босмахона қоғози. Тип Таймс гарнитура. Юқори босма. 4,68 шартли босма тобоқ. 4,0 нашр босма тобоғи. Жами 2000 нусха. 3. 3900 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 12-99 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент - 700129. Навоий кўчаси, 30.

“Шарк” нашриёт матбаа концернининг босмахонаси:  
700083, Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.